



# ИСЛОМ КАРИМОВ

---

**ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ—  
МАМЛАКАТИМИЗ  
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
АСОСИЙ МЕЗОНИДИР**

# 19

---

ТОШКЕНТ  
“ЎЗБЕКИСТОН” НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЎНИ  
2011



УДК: 321.7(575.1)+342.34(575.1)

ББК 66.3(5Ў)+66.3(5Ў)12

К 25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарларининг 19-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2010—2011 йилларда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисларида, БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларига багишланган олий даражадаги ялпи мажлисида, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ), турли халқаро анжуманлар, маросимларда сўзлаган нутқлари ва маърузалари ҳамда табриклари ўрин олган.

ISBN 978-9943-01-745-0

© “ЎЗБЕКИСТОН” НМИУ, 2011

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН  
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ  
ТАБРИК СЎЗИ**

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини баланд руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз, азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу қутлуғ айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида халқимиз

---

қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳлика-ли синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қан-чалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга ошир-ган ишларимизни, эришган ютуқ ва марралари-мизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, холисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимиз-да эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфа-атларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли иж-тимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона, тўғри эка-нини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини, аввало, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисоли-да, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугун мамлақати-мизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози-

---

нинг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намоён этмоқда.

Охирги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қўйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 каррага кўпаяди.

Яна бир рақам — Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

---

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз бу ютуқлардан гурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир.

**Қадрли юртдошларим!**

Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

**Биринчидан,** иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

**Иккинчидан,** мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни,

---

юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга қўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай орзу-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу муҳташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.



---

Мамлакатимизда 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдикки, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳам-жамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

---

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилакларимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

*2010 йил 31 август*

---

**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ  
МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ  
МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ  
ДАРАЖАДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ  
НУТҚ**

Муҳтарам раис жаноблари!

Ҳурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштир-

---

моқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари ни топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига, авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. «6+3» мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроаса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

---

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин.

2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариш борасида жиддий хавф туғдирмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршилиқлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган

---

акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршилиқни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршилиқка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабих ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммога айланди. Ўз ҳудудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара ҳудудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қаҳру газабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён

---

ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмағига муҳтож.

Бироқ, 11—14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-торожлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бирёқлама ёндашувларни истисно қилувчи ҳолис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг муросага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб

---

келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий



---

ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташрифи чогида бунга ишонч ҳосил қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

**Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақаниннг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.**

Бундай шароитда 30—40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8—9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайд-

---

ган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

Қуриб бораётган Орол муаммоси — бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Жаноб Раис!

Фурсатдан фойдаланиб, Саммит иштирокчиларига Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хом ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккаҳоқимлиги авжга чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижаси-

---

да унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳам-  
жамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 ба-  
равар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди.  
Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳо-  
фаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёд-  
роқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50  
фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви би-  
лан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан  
таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш  
тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожланти-  
риш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бе-  
риш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий  
чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 ба-  
равардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар ка-  
майди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобай-  
нида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан  
73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача  
ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд  
бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар таш-  
кил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқиро-  
зининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекис-  
тон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқти-  
содиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини  
таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган  
молия-банк тизимини сақлаб турибди.

---

Масалан, 2008—2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз**, иқтисодиётнинг мафкурадан ҳолилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган **ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш** ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Биз, аввал, бошдан «шок терапияси» деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик. «Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик.

Таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу барча ўзгаришларни амалга

---

оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон БМТ Бош котиби Пан Ги Мун таклиф этган Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларига эришиш борасидаги Тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлайди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Нью-Йорк шаҳри,  
2010 йил 20 сентябрь*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг: «Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир», деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолар фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етук, баркамол инсонлар этиб ўстириш, вояга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонкуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домлаларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз.

---

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб кўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг Баркамол авлод йилида, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқаро жа-

---

моатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда гурур-ифтихор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида — тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқ ва марралари ҳақида келтирилган маълумотлар йигилганларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яққол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-ҳунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлари янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилингани ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорти объекти барпо этилгани, 278 та



---

музиқа ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблаг сарфлангани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Яна бир муҳим томони — узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жамиятимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида яратилган барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз, энг аввало, бунёд этилаётган шароитларга бамисоли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва

---

масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган инсонларни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншоолло.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диққатингизни яна бир масалага жалб этишни истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони энг юқори кўрсаткични, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда, мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрним, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

---

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаштирмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодгина бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-гайрат ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимга — юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга Ватанимизнинг бугунги равнақи, эртанги истиқболи йўлидаги масъулиятли меҳнатингиз учун халқимиз номидан, ўз номимдан яна бир бор

---

чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни қутлуг байрамингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун эл-юртимиз ҳаётида қувончли бир кун. Мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Ҳақиқатан ҳам, улкан ва шарафли меҳнат самараси бўлмиш мана шундай маррага эришганингиз билан ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган сиз, азми қатъий деҳқон ва фермерларимизни, барча қишлоқ меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин мен учта муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Аввало, қишлоқ меҳнаткашларининг юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатиб, ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш ҳисобидан бу йилги ҳосилни пахтачилик тарихимизда кам учрайдиган гоят қисқа муддатда йиғиб-териб олишга эришганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

---

Кўлга киритилган бу ютуқнинг эътиборли иккинчи томони шуки, етиштирилган пахтанинг асосий қисми юксак сифат билан тайёрланди. Мамлакатимиз бўйича биринчи навга топширилган пахта хом ашёсининг улуши тахминан 90 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Яна бир диққатга сазовор томони — бу йил пахтачиликда ҳосилдорлик даражаси сезиларли равишда ошгани барчамизни қувонтиради. Жорий йилда мамлакатимиз бўйича ўртача ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 4 фоизга ошиб, гектаридан 26,3 центнерни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.

Бундай муҳим ютуқ, авваламбор, барчамизни боқадиган еримизнинг унумдорлиги, шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигида меҳнат самарадорлигининг тобора ортиб бораётганидан дарак беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун мана шундай қутлуг айёмда мамлакатимизнинг юксак хирмонига муносиб ҳисса қўшган вилоятлар, туман ва фермер хўжалиқларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу йилги мавсумда Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг пахтакорлари шартномавий мажбуриятларни қисқа

---

муддатларда ортиғи билан адо этгани учун ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу борада Амударё, Пахтаобод, Қумқўргон, Сариосиё, Вобкент, Гурлан туманлари сентябрь ойида, Кегейли, Олтинқўл, Избоскан, Ромитан, Шаҳрисабз, Муборак, Қизилтепа, Навбаҳор, Нарпай, Денов, Хонқа туманлари эса октябрь ойининг бошида, 20—25 иш кунида биринчилар қаторида режаларни бажариб, бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Юқори сифат кўрсаткичларига эришган Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида пахтанинг 90—94 фоизи, Шаҳрисабз, Косон, Вобкент, Қоровулбозор, Қизилтепа, Амударё, Нарпай, Қумқўргон, Сариосиё каби туманларда эса 94—97 фоизи биринчи навга топширилгани, айниқса, эътиборлидир.

Ҳосилдорлик бўйича юксак натижаларни қўлга киритган Қанлиқўл туманидаги «Ганжебек», Булоқбоши туманидаги «Барақа ҳосил самараси», Ромитан туманидаги «Тўхтамурод», Касби туманидаги «Кенжа бобо Эгамбердиев», Каттақўргон туманидаги «Ҳосил», Денов туманидаги «Маматмурод Ҳотамов», Арнасой туманидаги «Сангзор», Навбаҳор туманидаги «Муслим Мадаминов», Чиноз туманидаги «Ҳикматилла Йўлдошев», Олтиариқ туманидаги «Нуробод», Наманган туманидаги «Навбаҳор намунаси»,

---

Сирдарё туманидаги «Тинибек бобо», Хонқа туманидаги «Бекажон Собирова» каби фермер хўжаликларига — бундай ажойиб ютуқларга эришган хўжаликлар сонини яна кўплаб келтириш мумкин — гектаридан 45—50 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил олинганининг ўзи деҳқончилигимиз тарихига янги саҳифа бўлиб кириши, шубҳасиз.

Кўпчиликнинг эътиборини, ҳайрат ва ҳавасини уйғотадиган, жорий йилда эришган ютуқларимиз негизда ётган мезон ва омиллар ҳақида алоҳида гапиришни зарур деб биламан.

Аввало, бунинг замирида кейинги йилларда ўза селекцияси масаласига катта эътибор қаратиб, Ўзбекистоннинг ҳар қайси ҳудуд ва минтақасига мос бўлган, касалликларга чидамли, эртапишар ва серҳосил, юқори даромад берадиган навларни яратиш ва танлаш, уларни районлаштириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз мужассам экани барчамизга аён.

Айни вақтда замонавий агротехнологияларнинг жорий этилгани, ҳосилни зараркундалардан ҳимоя қилишда биологик усуллардан кенг фойдаланилгани, барча агротехник тадбирлар, жумладан, дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани ютуқларимизда ҳал қилувчи омил бўлганини таъкидлаш лозим.



---

Шу борада бундан уч йил олдин қабул қилинган, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган дастуримизнинг аҳамияти, моҳияти ва самарасини, ўйлайманки, баҳолашнинг ўзи қийин. Бу фикрнинг тасдиғини қуйидаги рақамлар яққол ифода этади. 2008—2010 йиллар давомида мамлакатимиз бўйича 37 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, 35 минг километрлик туманлар ва хўжаликлараро коллектор ва дренаж тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 740 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг учун мамлакатимиз бўйича тахминан 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилганининг ўзи бу масалага қандай катта эътибор бераётганимизнинг исботидир.

Албатта, қўлга киритган ютуқларимизнинг пойдевори бўлган, улкан маблағ, куч ва имкониятларни талаб қиладиган бундай дастур ва тадбирлар ҳақида гапиришимиз табиий. Лекин қишлоқ хўжалиги соҳасини самарали бошқаришни замонавий даражага кўтариш йўлида чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уни деҳқончиликнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш, шунинг ҳисобидан далада ишлаётганларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бу борада энг муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

Биз бугунги кунда деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқараши тобора юксалиб, ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариб, уларда ўз ерига ҳақиқий эгаллик ҳиссиётининг кучайиб бораётганини қишлоқ ҳаётини обод ва фаровон этишнинг, эл-юртимиз қўлга киритаётган барча марраларнинг асосий шарти ва гарови деб биламиз.

Ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай ютуқнинг пировард натижаси даромад билан — бу қишлоқ хўжалик ходими ёки оддий деҳқоннинг даромади бўладими, туман ёки вилоят, қолаверса, давлат бюджетига тушадиган маблаг бўладими — ҳамма қилаётган ишларимизнинг самараси даромад ва яна бир бор даромад билан ўлчанади. Шу маънода, бу йил пахтачиликдан олинадиган умумий даромад тахминан 2 триллион сўмдан зиёд бўлиши ва ўтган йилга нисбатан 35 фоизга кўпайиши кутилаётгани барчамизга мамнуният багишлайди.

Халқимизда даромадга яраша буромад, деган оқилона ҳикмат бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, қўлга киритган даромад ҳисобидан янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт масканларини қуриш, қишлоқларда қулайлик нуқтаи назаридан шаҳардагидан асло кам бўлмаган замонавий уй-жойлар барпо этиш, йўлларни таъмирлаш, аҳолини табиий газ, ичим-

---

лик суви билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш борасида олдимизда катта имконият ва уфқлар пайдо бўлишини барчамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Мана шу хурсандчилик дамларида барчамизни ёруғ кунларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, биздан марҳаматини дариг тутмасдан, ҳамиша йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сизларни, бутун халқимизни бугунги катта галаба билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва қут-барака тилайман.

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

*Ислоҳ КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

**МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК  
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА  
ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ**

Ҳурматли депутатлар!

Азиз дўстлар!

Шу кунларда барчамиз ниҳоясига етиб бораётган 2010 йилни яқунлаб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган янги 2011 йил оstonасида турибмиз.

Тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи тугилмоқда.

Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва

---

жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режалли-тақсимот тизимидан воз кечиб, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунни — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир.

Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни «шок терапияси» йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши

---

мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етгани-

---

ни мамнуният билан таъкидласак арзийди, деб ўйлайман.

2008—2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани, келгуси 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дунёда, айниқса, ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий хавотир тугдираётган бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди, давлат бюджети эса сўнгги беш йилда профицит билан бажарилмоқда.

Албатта, мамлакатимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва

---

социал инфратузилмаси билан собиқ Иттифоқ-да жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди. Мустақил ривожланиш йилларида — тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда.

Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим. Яъни, эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос.

Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жаҳон миқёсида глобллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз



---

дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт.

Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар кириштириш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тарақ-

---

қиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларимиз 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган кейинги 10 йил давомида янада фаоллашиб, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Натижада бугунги кунга келиб биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бунинг тасдигини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил туе олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксатиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Юртдошларимизнинг, бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз моҳият эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳат қилувчи кучга айланмоқда.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаш,

---

қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги йўналишларни демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаш зарур, деб ўйлайман.

### **I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш**

Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

---

Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш

---

жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата — Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи — Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш керакки, миллий парламентаризмнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиги эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг

---

89-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди» деган қоида белгилаб қўйилган.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъ-

---

минлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга**

---

рахбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топширигига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб



---

чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки

---

қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ушбу ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилмоқ-

---

да. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгартишларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда.

Таклиф этилаётган яна бир муҳим ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқлидир.

Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниқликка, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинади:

«Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига зикр этилган тузатишларни кири-

---

тиш таклиф этилаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78- ва 93-моддаларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритиш зарурати тугилади.

Жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандини «...шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш» деган сўзлар билан тўлдириш керак.

93-модданинг 15-бандига «вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан...» деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

93-модданинг 8-бандидан «ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади» деган сўзларни чиқариш тавсия этилади.

93-модданинг 16-бандини «...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли» деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

Шунингдек, 93-модданинг 12-бандидан «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори» деган сўзлардан кейин «унинг ўринбосарлари» деган сўзларни чиқариш ва уларнинг ўрнига «Ҳисоб палатаси раисини» деган сўзларни киритиш ва

---

ундан сўнг матн бўйича «тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади» деган тарзда баён этиш керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгилалиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли

---

ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

## **II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш**

**Қадрли дўстлар!**

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби

---

ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

## **II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш**

**Қадрли дўстлар!**

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустақкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби

---

қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. **Бу эса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Айни пайтда судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси махсус орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш



---

ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бу эса судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлиши ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун қаратиш имконини берди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.**

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси истоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг

---

апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда **апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.**

Бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

Шу борада қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил яқунларига кўра бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиги апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган.

**Ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик**

---

ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, 2008 йилда «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этди. Шу асосда амалдаги қонунчилигимизга суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу Қонунга мувофиқ, ҳимоячига жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилгани эътиборга сазовордир.

Шу билан бирга, ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқловчи ҳужжат ва шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учра-

---

шиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилди. Эндиликда буларнинг барчаси учун — шунга эътибор беринглар — адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоядир.

Қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгартириш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиш зарур.

**Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.**

Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим.

---

**Мазкур Қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тонфадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.**

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.

Айтиш керакки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чоратадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ишончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас — бу давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистон-

---

да ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. **Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганиниг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.**

**Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.**

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та,

---

Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Айтинглар, азиз дўстлар, мана шу олиб келинган далиллар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз қўлга киритган энг катта, энг муҳим ютуқларимиз эмасми? Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда ҳақиқатан ҳам адолат ўрнатишда жиноят йўлига кирганларга энг одил ҳукм чиқаришда бу мисоллар яққол далил эмасми? Бу масала бўйича ўзгалар, бизга ақл ўргатадиганлар, балки биздан ўрнак оладиган вақт келмадими?

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаш лозим.

**Бу борада «Хабес корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси**

---

**сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.**

**Мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар ҳақида гапирганда, жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилганини таъкидлаш лозим.**

**Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайди.**



---

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

**Шу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Ярашув институтининг жорий этилиши натижа-сида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиний жавобгарликдан озод этилди.**

Сўнги йилларда юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Масалан, 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг

---

қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди.

**Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхта-тиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари дои-расидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорла-рининг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақ-лаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.**

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини мо-дернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакл-лантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўлам-ли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демо-кратлаштириш масаласини кун тартибига қўяёт-ганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур эта-миз.

Бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар-ни амалга ошириш таклиф этилади.

**Биринчи.** Бундан ўн йил олдин қабул қилин-ган амалдаги «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги **Қонуннинг** янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараё-ни кенгайгани ва мураккаблагани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифа-тига нисбатан талаблар сезиларли даражада ош-

---

гани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

**Иккинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини **фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.**

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

**Учинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция

---

судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилади. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

**Тўртинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жинойий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жино-

---

ий таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш керакки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

**Бешинчи.** Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган **«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади.** Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

---

**Олтинчи.** Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини** ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур.

1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

Бунда, авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш

---

бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим.

**Еттинчи.** Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳоқимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмоқда.

Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Саккизинчи.** Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий

---

маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг қўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортшини таъминлайди, деб ўйлайман.

### **III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш**

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.



---

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

**«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилини-**

---

ши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот бора-сидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда янги таҳрирдаги **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги Қонунга, шунингдек, **«Телекоммуникациялар тўғрисида»**, **«Реклама тўғрисида»**, **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш

---

ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини қўлаган ҳолда, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги **«Ахборотлаштириш тўғрисида»ғи Қонуннинг** қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимда жаҳонга узатилмоқда.

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий

---

ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни танқидий баҳолар эканмиз, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман. **Яъни, бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот**

---

воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда.

Шу билан қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда:

**Биринчи.** «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Қонун қабул қилиш зарур. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтирган бўлур эди.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим.

---

Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаши зарур.

**Иккинчи.** Демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган **«Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун** қабул қилиш ҳақида таклиф киритилмоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радио-частота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда.

Шу билан бирга, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг қўламли равишда тартибга соладиган

---

яхлит қонунни кучга киритиш заруратини туғдирмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши телерадио-дастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобиль ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради.

Бу қонун миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб беришга, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш, тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларни ечишни назарда тутди.

**Учинчи.** Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир.

---

Ушбу вазифани амалга ошириш учун **«Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»**ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилади. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

**Тўртинчи.** Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»**ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли



---

чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар устида иш олиб бориш зарур.

Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим.

**«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун** нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қилади. Мазкур дастур рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга қаратилиши даркор.

Мухтасар айтганда, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини

---

янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

#### **IV. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш**

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. **Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.**

Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида юртимизда самарали, демократик сайлов тизimini шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир.

---

Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, «Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг **фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди**. Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса — сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципаал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзод-

---

ларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципиал қадам бўлди.

Шу борада сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашишга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланиши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

2009 йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Мазкур Концепция хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат сифатида баҳоланган эди.

---

Ҳақиқатан ҳам, ушбу Концепциянинг амалга оширилиши сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта фаол иштирокида, сайлов жараёнига марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувиغا йўл қўймасдан ўтказилишини таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнади.

Бизнинг қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мувофиқ, Президент сайлови, парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳозирги вақтда қонун билан белгиланган ягона кунда — уларнинг конституциявий ваколатлари муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигидаги биринчи якшанба куни ўтказилади.

Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожда 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик

---

ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг «ваколатли вакили» деган янги институт киритилди, унга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим янгилик қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди.

---

Шу асосда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида, шунингдек, сайлов кунда овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2009 йилги сайловлар жараёнида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

---

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз мунтазам такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айниқса, охирги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

**Шу муносабат билан қуйидаги қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

**Биринчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бу, авваламбор партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Шунинг учун **сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозим.**



---

Бундан ташқари, «Сайловолди ташвиқоти» тушунчасининг ўзига аниқ таъриф бериш, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усулларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш зарур.

Яхши биламизки, бундай тажриба турли демократик мамлакатларнинг сайлов қонунчилигида кенг қўлланиб келмоқда.

**Иккинчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур норма бир қатор ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида кенг қўлланади. Унинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, бошқача айтганда, уларнинг ким учун ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча вақт берилишига имкон яратган бўлур эди. Қонунчиликнинг ушбу қисмини такомиллаштириш овоз бериш арафасида турли сунистеъмоллик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олиш имконини ҳам беради, албатта.

**Учинчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-мод-

---

даси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Маълумки, жойлардаги участка комиссиялари аксарият ҳолларда қонунчиликда янада аниқ белгилаб қўйишни талаб этадиган турли вазият ва муаммоли ҳолатларга дуч келади. Улардан бири **муддатидан олдин овоз бериш тартибқондаси билан боғлиқ муаммодир**. Шунинг учун ҳам зикр этилган қўшимчаларнинг киритилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, участка комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлур эди.

**Тўртинчи.** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга «овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш кунини жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш

---

тақиқланади» деган нормани киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу норманинг юқорида кўрсатилган қонунларга киритилиши сайловчилар ҳуқуқларининг янада таъсирчан ҳимоя қилиниши, муайян номзодга гаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради.

**Бешинчи.** Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Юқорида баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррар.

---

## V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш

Азиз дўстлар!

Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соглом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоци-

---

ацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

**Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадритлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.**

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустақамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқ-

---

лари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.**

Сўнгги йилларда **«Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори** ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти ин-

---

ститутлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг **«Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли иж-

---

тимой лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг** қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масала-



---

лар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифани ҳал қилишда **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан

---

сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган **«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан

---

жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Шулар қаторида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган **«Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун

---

ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлайман.

## **VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш**

Муҳтарам юртдошлар!

Барчамизга аёнки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

Шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунларни қайд этиш мумкин.

Ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатла-

---

ри тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда **400** дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

**Шу билан бирга, холисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.**

Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, **давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.** Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз

---

бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромadini кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айни шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган **«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Қонунни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, **қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур.**

Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун **бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди.** Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг

---

ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит тугилади.

Сизларга яхши маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши **хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, сугурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ.** Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли

---

қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Мисол учун, мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, ammo улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланмоқда, деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур?

Шу муносабат билан **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни** танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва нозорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамия-



---

тини ошириш, миноритар, яъни кўлида акция-си кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айтиш муддао бўлур эди.

Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала — **мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи** биз учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсуло-тида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор, саноатда етакчи ўринни эгалдай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур.** Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, **давлат буюртмаларини олиш**, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёз-

---

лар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо амалдаги **«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»**ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунини эътиборга олган ҳолда, **«Рақобат тўғрисида»**ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат

---

сектор таъминламоқда. Тан олишимиз керакки, 1991 йилда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортиқ қонуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, **бутун қайта кўриб чиқишни ва янги таҳрирда қабул қилишни талаб этмоқда.**

Мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, «олтин» акцияларни давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарур. Бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошқоралигини кўзда тутиш лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ғоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. «Кредит бюрolari

---

фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Яна бир муҳим масала.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурида ана шундай ёндашув асосида иш тутганимиз ўтган йилларда ўзини тўла оқлади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш — **истеъмол талабини кеиғайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир.**

Муҳтарам мажлис қатнашчилари!

---

Ҳурматли депутатлар!

Сўзимни яқунлар эканман, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган Концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида биз қарийб 20 йил олдин бошлаган жараёни давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади, деб ишонаман.

Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ғайрат-шижоат тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва  
Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010  
йил 12 ноябрь*

---

**«ЎРТА ОСИЁНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ  
ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ:  
УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ»  
МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ  
ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сиз, ҳурматли меҳмонларимизни — халқаро экология ташкилотларининг обрўли вакиллари-ни, олимлар, таҳлилчилар ва экспертларни самимий қутлашга ва «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуи-даги халқаро конференцияда иштирокингиз учун чин дилдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Дунё янги минг йиллик бўсагасида Ер юзи-нинг турли ҳудудларида инсон ҳаёти ва фаолия-тига, ҳайвонот ва наботот оламига хавф солаёт-ган фавқулодда табиий ўзгаришлар билан бог-лиқ мисли кўрилмаган муаммо ҳамда таҳдидларга дуч келди.

Афсуски, бундай таҳдидлар Ўрта Осиёда ҳам кескин тус олмоқда. Бу ерда ўтган асрнинг ик-кинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан оқибатини ўйламай фойдаланиш, экологик жи-

---

ҳатдан зарарли саноат объектларини қуриш ишлари минтақамизни экологик фалокат ёқасига олиб келди.

Қуриб бораётган Орол денгизи фожиаси бунинг яққол далили бўла олади. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод кўз ўнгида қуриб бораётган сув ҳавзасига айланди. Унинг саҳрога айланган туби аҳоли саломатлиги ва генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда, қишлоқ хўжалик ерлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг таназзулига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда барчамизнинг олдимизда ғоят муҳим вазифа турибди. Бу — табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш, уни бизнинг минтақамиз ва бошқа минтақалар аҳолисининг турмуш шароити ва табиатдан фойдаланиш имкониятларини янада мураккаблаштирадиган янги хавfli лойиҳалардан асрашдан иборатдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда оммавий Экологик ҳаракатни ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилди. Мазкур ҳаракат халқимизнинг орзумидларини ҳисобга олиб, табиатни асраб-авайлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида халқаро экологик ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Экология, атроф-муҳит мусаффолиги учун курашиш — Ер юзидаги барча мамлакатлар ва халқлар учун бирдек дахлдор эканини эътиборга ол-

---

ган ҳолда, биз бу борада тобора кенг кўлам ва ранг-баранг шакл касб этиб бораётган мазкур ҳамкорлик ўта муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу анжуманда нуфузли ва тажрибали экология ташкилотлари, экспертлар, таҳлилчилар билан ҳамкорликда, БМТнинг тегишли Конвенцияларига амал қилган ҳолда, бизнинг минтақамизни Ўрта Осиё минтақаси доирасидан кенг-роқ доираларга чиқиб кетадиган ва ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган янги хавфли лойиҳалар амалга оширилишининг олдини олишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилади, деб ишонаман.

Сизларнинг таклифларингиз ва овозингиз бугунги ва келажак авлодларни экологик ҳалокатли ҳудудда яшашдек огир қисматдан ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайдиган халқаро молия институтлари, ташкилотлар ва бошқа манфаатдор тузилмалар томонидан эътиборга олинишига ишончим комил.

Конференция самарали ўтишини, унинг барча қатнашчиларига муҳим ва хайрли фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



**МАМЛАКАТИМИЗНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ  
ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ —  
ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ  
ОМИЛИДИР**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Шу кунларда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллиги мамлакатимизда тантанали равишда байрам қилинмоқда.

Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий сана бўлган ушбу айём ҳақида гапирар эканмиз, биз Конституциямизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини юксак баҳолаймиз. Ва шу аснода мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямиз-

---

нинг мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Қисқача айтганда, биз танлаган ва «ўзбек модели» деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда.

Биз ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, буйруқ-бозлик ва режали-тақсимот тизимидан қанчалик узоқлашганимиз сари, миллий тараққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нормаларнинг нечоғлиқ тўғри эканига бўлган ишончимиз шу қадар ортиб бормоқда.

Бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафкурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг

---

ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи ролини ўзига олиши, инқилобий эмас, аксинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислоҳотларни «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қондаларни ўз ичига олади.

Ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда, биз ўтган давр мобайнида, ҳақиқатан ҳам, жуда катта тарихий ютуқларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, даҳлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Ва айнан шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаёт-

---

ган қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширган ишларимизни эътироф этган ҳолда, биз бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман: **яъни, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди.**

Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида тутган ўрнини холис ва танқидий баҳолар эканмиз, биз эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислоҳотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга — **тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.**

Парламентимиз палаталарининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида баён этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да айнан ана шу вазифалар ўртага қўйилганини таъкидлаш жоиз.

**Қуйидаги масалалар бизнинг энг муҳим устувор йўналишларимизга айланиши даркор:**

---

— давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислохотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимиятни ташкил қиладиган Президент — давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш бўйича ислохотларни давом эттириш;

— ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;

— демократик кадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган фуқаролик институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

— фақат кенг миқёсли иқтисодий ислохот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаёти-миз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

---

Ўз-ўзидан равшанки, биз олдимизга қўяётган бундай мураккаб ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун анча вақт, балки йиллар талаб қилинади ва буни биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Мен бугунги йиғилишда мазкур Концепцияда кўзда тутилган аниқ йўналишларга батафсил тўхталмоқчи эмасман.

Нега деганда, бу масалаларнинг барчаси ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида етарлича кенг ёритилмоқда ва нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан муҳокама қилинмоқда.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлашни истардимки, энг мураккаб ва масъулиятли вазифа — бу Концепциянинг ўзини ишлаб чиқишдан иборат эмас, албатта. Энг асосий вазифамиз — мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича Концепцияда белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги Стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир.

---

Бу ҳақда гапирар эканмиз, фаолиятимиз негизига қўйиладиган ушбу асосий принципларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

**Биринчи.** Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш бўйича биз танлаб олган йўлнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийлиги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрийжийлигини сақлаш шарт.

**Иккинчи.** Концепцияда таклиф этилаётган ислохот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олишимиз даркор.

Шу маънода, лўнда қилиб айтганда, давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъминламасдан туриб, бозор ислохотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга эришиб бўлмайди. Бундай талаб сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, энг муҳими, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига ҳам бирдек дахлдордир.

---

**Учинчи.** Ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин.

Шу борада бугун мана шу залда ўтирган сиз азизларни, авваламбор, ёшларимизни, уларнинг тимсолида униб-ўсиб, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажагининг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизни мен ўзимнинг энг қатта умидим ва ишончим, деб биламан.

Мен қатъий ишонаман — бизнинг болаларимиз, мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг гоё ва мақсадлари онги ва қалбига яқин бўлган ёшларимиз ана шундай орзу-умидларимизга албатта муносиб бўладилар, шу мақсадларни амалга ошириш учун астойдил курашадилар ва албатта, бу маррани ҳам қўлга киритадилар.

Қадрли дўстлар!

Бундан бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, Конституция кунига бағишланган мажлисда, сизлар билан атрофлича фикр алмашиб, 2010 йилни мамлакатимизда **«Баркамол авлод йили»** деб эълон қилган эдик.



---

Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги кунни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу қадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик.

Албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Биз қабул қилган, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш дастурида белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифаларни қисқа вақт мобайнида, яъни бир йил давомида амалга ошириб бўлмаслиги барчамизга яхши аён. Шу маънода, бу олижаноб мақсад давлатимиз ва бутун жамиятимизнинг доимий ва узоқ истиқболга мўлжалланган устувор вазифасига айланиши ва ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозим.

---

Кўлами ғоят кенг бўлган ушбу дастур доира-сида бажарилган барча ишларни битта маъруза-да қамраб олиш қийин, албатта, унинг ижроси ҳақида йил якунига багишлаб жойларда ва мар-казда бўлиб ўтадиган йиғилишларда атрофлича фикр юритилади. Мен бу ўринда фақат 2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асо-сий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқ-чиман.

**Авваламбор, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳ-камлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.**

Бу борада, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етма-ган болаларнинг жинсий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил ҳордиқ чиқариш муассасалари раҳбар-лари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлиги-

---

ни кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талабаларга замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона, авваламбор, интернет хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шулар қаторида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, албатта, катта аҳамият касб этади. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг яқин кунларда қабул қилиниши соғлом авлодни шакллантиришда, уларни болалик давридан бошлаб саломатликка путур етказадиган зарарли одатлардан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, дастур доирасида ишлаб чиқилган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ушбу соҳани янада ислоҳ қилиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Маълумки, соғлом авлод деганда, барчамиз, биринчи навбатда, соғлом наслни тушунамиз. Бу

---

борада ўтган йиллар давомида «Соғлом она — соғлом бола» гоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқ мажмуалари барпо этишга қанча куч ва маблағ сарфланганидан, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши хабардорсиз.

Биргина «Она ва бола скрининги» Давлат дастури доирасида бошқа вилоятлар марказлари қаторида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминланди.

Бу, ўз навбатида, кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ва ихтисослаштирилган марказларда деярли барча аҳоли тиббий кўрик ва ультратовуш текширувидан ўтқа-

---

зилди. Бундан ташқари, ҳар ойда мунтазам равишда «Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўзида туғуруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўрикдан ўтказилганини қайд этиш лозим.

Бу йил шу борада яна бир ибратли тажриба йўлга қўйилди. Яъни, 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди.

Маълумки, кейинги йилларда ҳомиладор аёлларни таркибида ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш ва шу орқали аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мисли кўрилмаган профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, бундай чора-тадбирлар ҳар йили 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсонли бўлган болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда.

Шунингдек, юртимизда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бир қатор касалликлар профилактикаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширил-

---

моқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда.

Бунинг натижасида дифтерия, қизамиқ касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингококк инфекцияси 28 фоизга, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоизга камайгани ана шундай тадбирлар самарасидир.

Мамлакатимизда ўтказилган яна бир кенг қўламли тадбир — полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди. Бизга қўшни бўлган давлатларда айнан шу масалада нохуш вазиятлар юзага келган бир шароитда бундай тадбирлар полиомиелит билан касалланишнинг олдини олиш имконини берганини, бунинг аҳамиятини, албатта, барчамиз яхши англаймиз.

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болалик-

---

ни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилган бўлиб, бу 2009 йилдагига нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилдагига нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда **таълим соҳасини ривожлантириш, авваламбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари куриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш** масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли

---

асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма — Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди.

Бу жамгарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунинг ўзиёқ бизнинг ушбу масалага қандай катта эътибор бераётганимизни яққол кўрсатиб турибди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университети янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани биз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилади.

Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, олий таълим бакалаврият босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий



---

таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порталига уланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимига кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оиллага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот техно-

---

логиялари тизимини кенг қўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобиль алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади.

2010 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кўп дастурли телевизион каналларни тарқатиш хизматларининг сифатини ошириш, халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича мутлақо янги имкониятлар яратадиган замонавий рақамли телевидение ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг

---

мингдан ортиги қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди.

Қиз болаларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишда жорий йилда сезиларли натижаларга эришилди. «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кам таъминланган оилаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари харид қилинди.

Яна бир муҳим ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакатимизда бадий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилингач, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони шу йилнинг ўзида 6—7 баробар, айрим вилоятларда эса 10—12 баробар ортди.

Бу борада ёрқин бир мисолни келтиришни ўринли деб биламан. Кун кеча Хитойда якунига етган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида бадий гимнастика бўйича қизларимиз ўз истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашгани мамлакатимизнинг спорт ҳаётида мисли кўрилмаган қувончли воқеа бўлди.

Шу маънода, бу йил ўтказилган 42 та халқаро мусобақада юртимиздан иштирок этган 500 на-

---

фардан зиёд ёш спортчининг учдан бир қисмини қизлар ташкил этгани, айниқса, эътиборлидир.

Маълумки, шу йил ёзда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпия ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медални қўлга киритди. Юқорида зикр этилган Осиё ўйинларида эса Ўзбекистон спортчилари нафақат қитъамиз, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган қудратли давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашувларда 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медални қўлга киритди, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишга эришди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган истеъдодли ёш спортчиларимиздан айримларининг номларини ҳурмат билан тилга олишдан мамнунман.

Кўзга кўринган спортчиларимиздан Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Владимир Тўйчиев, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Юлия Тарасова, Артур Таймазов, Элшод Расулов, Светлана Радзивил, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов каби ёшларимиз Осиё ўйинларида олтин медаль соҳиби бўлдилар.

---

Айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков халқимизнинг ҳақиқий ифтихорига айланди. Бу истеъдодли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши спортчиси, деб тан олинди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоасининг 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Футбол бўйича Осиё чемпионатида ажойиб ўйин намойиш этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси келгуси йили Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини кўрсатишига ишонамиз.

Аргентинада бўлиб ўтган ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи мартаба чемпион унвонига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, ўзларининг метин иродасини намойиш этди.

Шулар ҳақида гапирар эканман, ўз ҳаётини спортга бағишлаб, жаҳон ва қитъа мусобақаларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келаётган барча мард ва жасур спортчиларимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, катта ғурур ва

---

ифтихор билан уларга янги-янги зафарлар тилашга рухсат бергайсиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг яна бир устувор йўналишига батафсил тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Бу ўринда гап ёшларимиз ўзлари эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони муҳим қадам бўлди. Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир муҳим масалани қайд этиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кескин рақобат шароитида **инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.**

Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини бар-

---

чамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Яқинда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатнинг моҳияти шундан иборатки, илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган яна бир йўналиши хусусида, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган **онлайн мустаҳкам-**

---

лаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларни давом эттириш ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Айнан оила бағрида, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳотида фарзанднинг дунёга келиши, унинг шахс ва фуқаро сифатида камол топиши ҳақида узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси, аввало, оилада пайдо бўлади, инсоннинг дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади.

Шу сабабли жорий йилда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошлаган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди.

Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотураржой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунинг-



---

дек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

Дастур доирасида ёшларда «оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

Табиийки, бу борада «оммавий маданият»-нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган кўплаб тадбирларнинг ташаббускори ноҳукумат ташкилотлар бўлгани, айниқса, эътиборга сазовордир.

Бундай ижобий ҳолат юртимизда фуқаролик жамиятини бунёд этиш борасида эришаётган ютуқларимизнинг амалий намоёни бўлиб, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу давлатимиз ва жамиятимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустақам заминини яратиш борасидаги манфаатлари муштарак эканини яққол кўрсатади.

---

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ба-  
жариш учун барча манбалар ҳисобидан жорий  
йилда қарийб 8 триллион сўм маблаг сарфлан-  
ганининг ўзи бу борада амалга оширган ишла-  
римизнинг кўлами ва миқёси нечоғлиқ улкан  
эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олижа-  
ноб ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиз-  
даги давлат ва нодавлат ташкилотларга, ишлаб  
чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва  
тадбиркорлик тузилмаларига, хорижий жамгар-  
малар ва халқаро ташкилотларга, шу залда ўтир-  
ган чет эл мамлакатларининг элчи ва вакилла-  
рига, шу улуғ мақсад йўлида ўзини аямасдан  
хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номим-  
дан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик  
билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги —  
2011 йилга қандай ном бериш ҳақида фикрла-  
шиб олишимиз керак.

Бу масалада амалий бир қарорга келиш, яъни  
янги йилга ўз олдимизга қўйган ягона мақсад  
йўлида барчамизни бирлаштирадиган аниқ ном  
беришнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча  
гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, давлатимиз ва жамияти-  
мизнинг, мулк шаклидан қатъи назар, юрти-

---

миздаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар, ҳомийлар ва хайрия жамғармалари бўладими — буларни барчасининг куч-имконият ва маблагларини аниқ бир мақсад ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун сафарбар этиш, бир ёқадан бош чиқариб мавжуд муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишда ушбу масала қандай катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бунинг тасдигини биз ўз ҳаётий тажрибамизда, яъни 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган **ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бериб**, шу асосда қўлга киритган ютуқ ва марраларимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва хулосаларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Тадбиркорлик ҳақида гапирганда, биз, авваламбор, хусусий тадбиркорликни ўзимизга тасаввур қиламиз. Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён ало-

---

ҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида қўп гапириш мумкин.

Мен бу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган **«Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мнингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир»**, деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман.

Албатта, илгариги замонларда тадбиркорлик балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо, қандай ном билан аталмасин — унинг отини савдогар ёки дўкандор дейдими, ҳунарманд уста ёки касаначи дейдими, катта-кичик корхона эгаси дейдими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболага бўлмайди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда, биринчи навбат-

---

да, Конституциямизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкый муносабатлар ҳақидаги принципиал масала доимо эътиборимиз марказида бўлганини таъкидлаш лозим.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўп укладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустақамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожидида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш

---

аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айна шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор.

Шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этишни зарур, деб биламан.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали **биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.**

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам — яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. **Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.**

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожи учун қулай тадбиркорлик муҳити яратиш ва уни ривожланти-

---

ришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтириш kifоя, деб ўйлайман.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг мантикий самарасидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, агарки юртимизда шу соҳага ўз вақтида катта эътибор қаратиб, унинг ривожини учун ҳар томонлама йўл очиб бермаганимизда, бугун бизнинг куч-қувватга тўлган ёшларимиз бошқаларга ўхшаб қаёққа иш излаб борарди, кимларга муҳтож ва қарам бўлиб кун кўради эди?

Шу ҳақида ўйлаш, бунинг олдини олиш давлат ҳокимияти идораларининг асосий бурчидир.

---

Жорий 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани ҳам юқорида зикр этилган фикрнинг яққол тасдиғи, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларимизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида **қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.**

Биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфа-



---

атларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.

Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Албатта, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўткир муаммо бўлиб қолмоқда ва ишимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, та-

---

магирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. **Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан мурося қилишга чек қўйишнинг вақти келди.**

Навбатдаги устувор йўналиш — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборат.

Ҳаммамизга маълумки, охириги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилиняпти. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас.

Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгила-ниши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир.

---

Албатта, сўнги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун катта имкониятлар тугдирмоқда.

Шу борада кириб келаётган 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолажак, деб ўйлайман.

Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда

---

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, асосан, савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда.

Лекин, шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, **илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.**

Айтиш жоизки, мен дастурдан ўрин олиши керак бўлган энг муҳим йўналишларнинг фақат айрим жиҳатлари ҳақида қисқача фикр билдирдим, холос.

Ўз-ўзидан аёнки, дастурни конкрет мазмун билан тўлдириш, ечимини кутиб турган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукумат қарори билан бу масала бўйича махсус ишчи комиссияси тузиш ҳамда етакчи мутахассисларимиз, авваламбор, тадбиркорларнинг ўзини бу ишга жалб қилиб, ҳар бир йўналишни атрофлича, чуқур ва пухта ишлаб чиқишимиз даркор.

Бу борада мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, кичик бизнес эгалари, фер-

---

мер ва тадбиркорлар, ҳомийлар, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилигимиз ўз фикрлари ва амалий таклифлари билан фаол иштирок этади, деб ўйлайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, такрор ва такрор айтишни истардим: **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи бўлиши шарт.**

Айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг иш фаолиятимизда, авваламбор, олдимизда турган ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда асосий мезон ва йўлланма бўлишига ишонаман ва барчангизга айни шу мақсад йўлида куч-гайрат ва янги-янги омадлар тилайман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор табриклаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
18 йиллигига бағишланган  
тантанали маросимдаги маъруза,  
2010 йил 7 декабрь*

---

**КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК  
ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (ОДКБ)  
КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК  
КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА  
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам давлат раҳбарлари.

Сизларни қутлашга ва Россия томонига, Россия Президенти Дмитрий Анатольевич Медведевга самимий қабул ва анъанавий меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бугунги саммит кун тартибидаги асосий масала — ОДКБ коллектив хавфсизлик тизимини янада такомиллаштиришдир.

Биз ОДКБ қарорларининг самарадорлиги ва уларнинг тезкорлик билан қабул қилинишини таъминлаш, Ташкилотнинг можароли вазиятларга самарали муносабат билдириш имкониятларини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларни асосли ҳамда ўз вақтида илгари сурилган, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позициясини яна бир бор алоҳида таъкидламоқчиман: ОДКБнинг вазифаси, бу —

---

ОДКБ давлатлари ўртасидаги ва МДХ маконидаги турли қарама-қаршиликлар ва можароларни ҳал этишда қатнашиш эмас, балки, аввало, Ташкилотга аъзо мамлакатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Биз, шунингдек, ОДКБга аъзо у ёки бу давлатлар ичида «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» юзага келган ҳолларда унга Ташкилотнинг аралашуви ёхуд таъсир кўрсатишига асло йўл қўймаслик зарур, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг принципат позициямиз шундан иборат ва Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар тўғрисидаги битимни имзоламаганимизнинг сабаби ҳам шунда.

Бунда у ёки бу мамлакат ичидаги «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» турли сценарийлар бўйича, ташқи кучларнинг бевосита аралашуви ва молиялаштируви орқали юзага келиши мумкинлигини эътиборга олиш даркор.

Шу боис «зўравонлик хатти-ҳаракатлари»нинг ҳақиқий ташкилотчиларини аниқлаб олиш зарур. Шундан кейингина муайян қарор қабул қилиш мумкин.

Жорий йил 10—14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун кўп жиҳатдан сабоқ бўлиши керак. Ушбу воқеалар мамлакат ичидаги қарама-қаршиликлар ва можароли вазиятларнинг ҳақиқий сабабини синчковлик билан ўрганмасдан, бу жараёнларга ара-

---

лашиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар томонлама ўйламасдан, уларни ҳал этиш учун Ташкилотнинг аралашувига мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди.

11—12 июнь кунлари ўзбек миллатига мансуб 100 мингдан зиёд қочқинлар, авваламбор, ёрдамга муҳтож хотин-қизлар, болалар ва қариялар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган миллатлараро хунрезликлардан қочиб, Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидаги чегарасини кесиб ўтди.

Мен ҳозир бу одамларни жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, чегара ҳудудида тартибни сақлаш ва улар ўзини ҳимояланган деб ҳис қилиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида юзага келган улкан муаммолар, бунинг учун сарф этилган ресурс ва маблағлар ҳақида гапириб ўтирмайман.

Бу одамлар чегарадан ўз хоҳиши билан ёки Қирғизистон жанубида яшаш ёқмагани учун ўтгани йўқ. Улар у ерда юз йиллар мобайнида қирғизлар билан ёнма-ён яшаб келган ва бундан кейин ҳам яшайди. Бунга бизнинг ҳам, Қирғизистон Президенти Роза Отунбоевнинг ҳам ишончи комил. Қирғизистон жанубида ҳамон сақланиб турган кескин вазиятдан чиқишнинг йўли шундан иборат эканига ишонаман.



---

Агар аҳолимиз ўртасида осойишталикни сақлай олмаганимизда ва турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олмаганимизда Ўзбекистоннинг қарийб 300 минг қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Фарғона водийси ҳудудида қандай фожиали воқеалар рўй бериши мумкинлиги ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Роза Отунбоева ташаббусига биноан 11 июнь эрта тонгда мен у билан телефон орқали узоқ гаплашдим. Шунда мен уни ҳар қандай ҳолатда ҳам биз томондан бирорта ҳам одам Қирғизистон чегарасидан ўтмайди, деб ишонтирдим ва ўз сўзимнинг устидан чиқдим.

Ўш Андижон шаҳридан узоғи билан 40 километр, чегарадан эса, бор-йўғи 15 километр масофада жойлашган. Агар ушбу қалтис пайтда вазиятни назоратда сақлаб турмаганимизда, Қирғизистон жанубидаги миллатлараро қарама-қаршилиқ Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршилиқка айланиб кетган бўлур эди.

Бошқача айтганда, Қирғизистон жанубида рўй берган қонли воқеалар оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган улкан фожиага айланиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Ушбу қонли воқеаларнинг сабаби нимада, уларнинг буюртмачилари, ташкилотчилари ва

---

ижрочилари кимлар экани, бу — алоҳида масала.

Сизларнинг эътиборингизни қуйидаги масалага яна бир бор қаратмоқчиман. Агар битта бўлса ҳам ҳарбий хизматчи, Ўзбекистон, Қозоғистон ёки Россия ҳарбий хизматчиси бўлишидан қатъи назар, Қирғизистон чегарасидан ўтганида, бу кейинчалик жиловлаш қийин бўлган катта можарога олиб келиши мумкин эди.

МДХ ҳудудида бунга мисоллар кўп. Масалан, Арманистон ва Озарбайжон 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзаро мақбул бўлган келишувга эриша олмаётир. Можаро рўй берган дастлабки йиллардаёқ унинг ёйилиб кетишига йўл қўймаслик керак эди. Эҳтимол, шунда томонлар бугун юзага келган вазиятни баргараф этиб, ўзаро муро-сага келган бўлар эди.

Мен бу мисолларни ҳар бир алоҳида вазиятда биз «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» деб атаётган воқеаларнинг ҳақиқий сабабларини ниҳоятда жиддий ўрганиб чиқиш кераклигининг далили сифатида келтирмоқдаман.

Айнан шу сабабли Ўзбекистон можароли вазиятларга ОДКБ муносабат билдириши тартиби тўғрисидаги Низомни имзоламаётир.

Биз, шунингдек, ОДКБнинг тинчликпарвар кучлари тўғрисидаги баёнотни ҳам имзоламаймиз. Бизнинг қароримизнинг моҳияти шундан

---

иборатки, бундай тинчликпарвар кучларда иштирок этиш ҳар доим ихтиёрий хусусиятга эга бўлган ва Ўзбекистон ўз ҳудудидан ташқаридаги тинчлик ўрнатиш операцияларида иштирок этмайди.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

*Шу йил 17 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.*

Самарқанд замини хусусида сўз юритганда, биз унинг қадимийлиги, дунёдаги энг кўҳна ўлкалар қаторида туриши, шу билан бирга, гўзал ва бетакрор табиати, умумбашарий цивилизация ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида, улуғ мутафаккир зотлар, олиму фузалолар ва жасур саркардалар ҳақида гапиришимиз одат тусига кириб қолган, деди Юртбошимиз. Лекин бугун Самарқанд воҳасининг ана шундай буюк тарихини яна бир марта эътироф этган ҳолда, вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликлари, унинг улкан салоҳияти, бундай ноёб имкониятларни ишга солиш ва уларни эл-юртимиз манфаати йўлида оқилона ишлатиш хусусида фикр юритишимиз аини муддао бўлади. Бунда, авваламбор, бу со-

---

ҳада қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараш ва ҳолисона баҳо бериш асосий вазифамиз бўлиши керак. Ўз фаолиятимизга чуқур ва атрофлича баҳо бермасдан, бой берилган имкониятларни тўғри таҳлил қилмасдан ва тегишли хулосаларни чиқармасдан туриб, ҳаммамиз яхши тушунамизки, бошлаган ишларимизни давом эттириш, энг муҳими, ҳар қайсимиз ўз жойимизда халқимизнинг бизга билдирган ишончини оқлашимиз қийин бўлади.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: Самарқанд вилояти, шу юртда яшаётган меҳнаткаш халқ ҳеч қачон оқсоқлар қаторида бўлмаган, доимо илғорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган, лўнда қилиб айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд воҳасида ҳам кейинги йилларда вилоят аҳлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга ошириляётгани ҳақида тўхталиб, қуйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 112 фоизга ўсган, саноатда 116 фоиз, қишлоқ хўжалигида 108,5 фоиз, қурилиш соҳасида 140 фоиз ўсишга эришилган. Вилоят меҳнаткашлари пахта ва ғалла, қишлоқ

---

хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам шартнома режаларини муваффақиятли адо этиб, Самарқанд деҳқонларининг миришкорлик фазилатларини амалда намоён этиб келмоқда.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, Самарқанд шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида бу азим шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг 5—10 йил бурунги қиёфаси, тангу тор кўчалари, режасиз, пала-партиш қурилган кўримсиз биноларини Самарқанднинг бугунги манзараси билан солиштирадиган, қиёслайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш қийин эмас. Хусусан, Самарқанд аэропортини реконструкция қилиш учун катта сармоя жалб қилиниб, бу ерда бажарилган қурилиш ва ободончилик ишлари натижасида аэровокзал комплекси энг замонавий талабларга жавоб берадиган, гўзал қиёфага эга бўлди. Худди шундай ўзгаришлар Самарқанддаги темир йўл вокзали ва унинг ён-атрофида ҳам амалга оширилди.

Айни вақтда 14 миллиард 700 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳар кўчаларининг катта қисми кенгайтирилиб, капитал таъмирланди. Жами 450 та объектда, жумладан, 42 та кўп

---

қаватли уй, 165 та савдо ва маиший хизмат кўрса-тиш шохобчаси, 60 та ижтимоий соҳа объекти, бир қатор маъмурий ва хусусий тураржой бино-ларида кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар маблағлари, банклар-нинг кредити ҳисобидан қарийб 152 миллиард сўм сарфланди.

Дунёга машҳур, кўпчилик бир кўришни орзу қиладиган, Самарқанд аҳлининг энг сеvimли маскани бўлмиш Регистон майдони, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари охир-ги йилларда ҳар томонлама обод қилиниб, бу-гун жаҳондан келадиган меҳмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда. Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, бундай муқаддас қадамжоларнинг янада обод бўлиб бо-раётгани кўпгина мусулмон мамлакатлари дав-лат арбоблари ва жамоатчилиги, минглаб зиё-ратчиларнинг юксак эътибори ва ҳурматига са-зовор бўлмоқда.

Шу кунларда 6 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, Сиёб деҳқон бозорини ре-конструкция қилиш ва унинг ҳудудини ободон-лаштириш ишлари якунига етказилмоқда. Шу-лар қаторида, салкам 4 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида янги музей бино-

---

си, кенг майдон ва сўлим хиёбон барпо этилди, буюк бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилиб, бугунги кунда бу маскан Самарқанд тарихининг яна бир ёрқин кўзгусига айланди.

Самарқанд шаҳри билан бир қаторда Пастдарғом, Жомбой ва Ургут туманларида, узоқ-яқин қишлоқларда ҳам ана шундай кўплаб бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд воҳасида кейинги йилларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 200 миллиард сўм капитал маблағ йўналтирилди. Буларнинг барчаси Самарқанд шаҳри, вилоятдаги туман ва қишлоқларимизнинг янада кўркам ва обод бўлишида, шу юртда яшаётган инсонларнинг эҳтиёжини таъминлашда салмоқли қадам бўлиб, айтилиши вақтда хорижий сайёҳ ва меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Сессияда бундай кенг кўламли ишларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда, Самарқанд вилоятининг катта салоҳиятини, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, бу талабларни қондириш, вилоятда мавжуд бўлган ресурс ва имкониятларни оқилона ишлатиш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплиги алоҳида таъкидланди.



---

Маълумки, ҳозирги кунда иқтисодиёт тараққиётини инвестициялар, авваламбор, хорижий инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу борада Самарқанд вилоятидаги мавжуд аҳволга назар ташланадиган бўлса, вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Ўтган йили тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар миқдори 10 миллион долларни ташкил этгани ҳолда, бу йил ушбу кўрсаткич 6 миллион долларга тушиб қолганини афсус билан қайд этиш лозим.

Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган қўшма корхоналарнинг 14 таси мутлақо ишламаяпти, 6 таси жорий йилда ўз фаолиятини тугатган ва яна 4 таси тўхташ арафасида турибди.

Самарқанд воҳасида мамлакатимиз иқтисодиёти учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала — яъни вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш, шу орқали валюта тушумини кўпайтириш ва корхоналарни модернизация қилиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Биргина жорий йилнинг 9 ойи мобайнида маҳсулот экспорти 56 миллион долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 50 миллион долларлик маҳсулот кам экспорт қилингани ҳам буни исботлайди.

---

Юртбошимиз саноат соҳасидаги муаммолар ҳақида гапирар экан, номи бир пайтлар бутун минтақага машҳур бўлган «Самарқанд лифтсозлик заводи», «8 Март», «Нафис» чинни фабрикаси каби корхоналар деярли фаолият кўрсатмаётгани, «Сино», «Алпомиш», «Кинап» каби йирик заводлар эса 35—40 фоиз қувват билан ишлаётгани вилоят раҳбариятини ташвишга солмаётганини афсус билан қайд этди.

Вилоят бўйича рўйхатга олинган қарийб 15 минг кичик бизнес субъектининг 4 мингга яқини умуман фаолият кўрсатмаяпти. Бундай корхоналарнинг аксарияти Самарқанд шаҳри, Нуробод, Пахтачи туманларига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Самарқанд вилоятида қишлоқларимизни ҳар томонлама тараққий топтириш мақсадида катта ишлар амалга оширилаётгани, айтилган пайтда бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойлар барпо этиш учун жорий йилнинг ўзида 21 та қишлоқ массивида қарийб 44 миллиард сўмлик капитал маблағ ҳисобидан 650 та уй-жой қуриш ва уларни шу йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Лекин, афсус билан айтиш ке-

---

ракки, бундай янги, одамларнинг интилишини тортаётган, қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ ҳаётини шаҳар даражасига кўтаришда истиқболи катта бўлган муҳим масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Бунинг натижасида ана шу уйларни қуришда сусткашликка ва уларни топшириш муддатларини асоссиз равишда чўзиб юборишга йўл қўйилмоқда.

Ҳаммамизга яхши маълум бўлиши керакки, жойлардаги барча янги қурилишлар ёки ободончилик ишлари бўладими, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида бериш бўладими, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш бўладими — буларнинг ҳал қилувчи энг муҳим манбаи вилоят, шаҳар ва туманларнинг молиявий аҳволига бевосита боғлиқдир, деди Юртбошимиз.

Шу борада Самарқанд вилоятидаги ишлар таҳлил қилинди. Аввало, 2009 йилда дотацияга тушиб қолган 8 та туманнинг ҳанузгача дотацияда қолиб келаётгани қайд этилди. Айниқса, Қўшработ, Булунғур, Пайариқ, Иштихон, Пастдарғом ва Каттакўрғон туманларида дотация улуши юқориликча қолаётганига эътибор қаратилди.

2010 йилнинг 1 октябрига қадар вилоят бўйича дебиторлик қарзлар қарийб 830 миллиард сўмни, кредиторлик қарзлар эса деярли 950 миллиард сўмни ташкил этган. Хусусан, Самарқанд шаҳрида, Булунғур, Нуробод, Пайариқ, Ургут ва

---

Қўшработ туманларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар йил бошига нисбатан камайиш ўрнига ўсиб бормоқда.

Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, бу муаммонинг ечими бўйича на вилоят, на ушбу ҳудудлар раҳбарлари томонидан аниқ амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Вилоятда саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида ҳам етарлича чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Бунинг натижасида шу йилнинг 1 октябригача 7 та корхона ўз фаолиятини зарар билан яқунлаб, кўрилган зарар миқдори 3 миллиард 460 миллион сўмдан ошиб кетган.

Президентимиз ҳар томонлама ўринли таъкидлаб ўтганидек, бундай корхоналарда ишлаётган одамларнинг ҳаёти, тақдири нима бўлади, улар оиласини қандай боқади, ишсизликнинг кўпайиши эртага қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида вилоятда ўзини раҳбар деган, етакчи деган шахслар умуман ўйлаётими-йўқми, деган савол, афсуски, жавобсиз қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини, авваламбор, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизни иш билан таъминлаш масаласи қандай ўткир ва долзарб бўлиб тургани, бу муаммони ечиш бўйича кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар, ушбу

---

масала давлатимиз, жамиятимиз, барча-барча идоралар, фаолларнинг эътибор марказида тургани ҳақида ҳам фикр юритилди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз бўйича 2010 йилнинг ўзида 940 мингдан кўпроқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда очилганини қайд этди ва қуйидагиларни таъкидлади.

Маълумки, Конституциямиз байрамига бағишланган мажлисдаги Президент маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бу йўналишдаги муаммоларни ечишда биринчи навбатда раҳбарлар — бу вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари бўладими, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари бўладими — уларнинг зиммасига қандай катта масъулият юклатилгани ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Самарқанд вилояти Кенгашининг сессиясида ҳам бандлик масаласининг нақадар муҳим ва ҳал қилувчи, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий нуқтаи назардан қай даражада долзарблиги яна бир бор ўртага қўйилди.

Албатта, бундай муаммоларни ечишда Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларда анча ишлар қилиняпти. Лекин бу масала бўйича Олий Мажлис томонидан тасдиқланган дастурнинг Самарқанд вилоятида 97 фоизга бажарилганини нима билан изоҳлаб бўлади?

---

Сессияда таъкидланганидек, ушбу масалага жавобгар бўлган раҳбар ва ходимларнинг — бу вилоят даражасида, шаҳар ёки туман даражасида бўладими — биринчи навбатда уларнинг масъулиятини алоҳида кўриб чиқиш зарур. Қайси туман, қайси шаҳар, қайси раҳбар бу масалага совуққонлик билан қараётгани бўйича тегишли хулосалар чиқариш даркор. Ахир ҳар қайси ишсиз юрган одам учун, энг муҳими, энди ҳаётга кириб бораётган ёшларимиз учун бу масала ўзининг касбу ҳунарига қараб муносиб иш топиш, муносиб ҳақ олиш, ўз ҳаётини, оиласини тебратиши учун, эртанги кунини кўриши учун нақадар муҳим, нақадар ўткир савдо эканини, авваламбор, биз, халқ ишончига сазовор бўлган раҳбарлар тушунишимиз, англашимиз, юракдан ўтказишимиз зарур эмасми, деди Президент.

Шуни очиқ айтиш мумкин: бугунги кунда ҳар қайси шаҳар ва туман раҳбаридан улар бошқараётган ҳудудда қанча одам ишсиз юргани ва иш қидираётгани, ким доимий иш билан, ким вақтинчалик иш билан бандлиги ҳақида, ишсизликнинг даражаси ва улуши ҳақида сўрасангиз, аниқравшан жавоб ололмайсиз. Ваҳолонки, бугунги кунда, жойлардаги мавжуд вазиятга салбий таъсир ўтказадиган сабаблар ҳақида гапирганда, айнан шу масала энг ўткир бўлиб турганини англаш, масъулиятни сезиш вақти келмадими?

---

Бу масалага бўлган муносабатни мутлақо ўзгартириш зарурлигини бугун замоннинг ўзи талаб қилаётгани қайд этилди.

Вилоятнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида водопровод ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш масаласи мутлақо эътибордан четда қолаётгани, бу соҳада охириги йилларда етарли даражада маблағ ажратилмагани сабабли 70 километрдан ортиқ қувурларни алмаштириш талаб этилаётгани ҳеч кимни, авваламбор, тегишли раҳбар ва мутасаддиларни ташвишга солмасдан келмоқда. Айнан шу туфайли ҳозирги кунда аксарият кўп қаватли уйларга ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти етиб бормаяпти.

Бугунги кунда ақлга сиғмайдиган баъзи ҳолатлар ҳақида фақат афсусланиб гапириш, хусусан, водопровод тармоқларининг ишдан чиқиши оқибатида одамларнинг қудуқ сувидан фойдаланишга мажбур бўлаётганини Булунғур ва бошқа туманларда кузатиш мумкин.

Табиий газ билан таъминлаш ҳақида гапирганда, бу масалада ҳам шу каби нохуш мисоллар кам эмаслигини айтиш лозим. Жумладан, Самарқанд, Ургут, Тайлоқ, Пайариқ, Каттақўрғон туманларида бу нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Айни қиш пайтида бундай ҳолат одамларнинг ҳақли эътирозини уйғотмоқда.

---

Бу каби камчиликлар, айниқса, электр энергияси таъминотидаги узилишлар айрим қишлоқ врачлик пунктларида учрашини ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳол деб баҳолаш керак.

Сессияда вилоятда ҳуқуқ-тартибот соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, жиноятчилик ва қонун бузилишларига қарши кураш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплиги таъкидланди.

Сўнгги икки йил давомида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиш, босқинчилик, талончилик, қасдан одам ўлдириш каби жиноятлар кўрсаткичи юқори даражада бўлиб қолаётгани кузатилмоқда. 2009 йилда очилмаган жиноятлар сони 443 та бўлган бўлса, жорий йилнинг ўн ойи давомида бу кўрсаткич 311 тани ташкил этган.

Бу борада кўзга ташланаётган ноҳуш бир ҳолат одамда ташвиш уйготмасдан қолмайди. Яъни, вилоятда 2008—2010 йиллар давомида 1391 нафар мансабдор шахс порахўрлик, мансаб ваколлатини суистеъмол қилиш ва ўзганинг мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 6 нафарини ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари, 83 нафарини ички ишлар ходимлари ва бошқа бўғиндаги мансабдорлар ташкил этади. Масалан, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Г. Шодиева,



---

Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Ҳусанов, Иштихон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. Ҳамроев, Каттақўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари Э. Дониёрова турли жиноятлар билан айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида кўзга ташланаётган, чидаб бўлмайдиган энг нохуш ҳолатлар — бу кўзбўямачилик, салбий кўрсаткичларни сунъий равишда пасайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахсий таркиби томонидан хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ. Хусусан, пора олиш ва тамағирлик туфайли жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида 21 нафар ички ишлар ходими, 6 нафар прокуратура ва суд ходими борлиги вилоятда бу борада тартиб-интизом, талабчанлик ва назоратнинг бўшаштириб юборилганидан дарак беради.

Юқорида зикр этилган камчилик ва муаммоларнинг барчаси охир-оқибатда бир масалага, яъни Самарқанд вилоятининг бошқаруви, авваламбор, биринчи раҳбар фаолиятига, унинг иш услубидаги камчиликларга бориб боғланади, албатта.

Маълумки, бундан икки ярим йил олдин Ўқтам Барноевга катта ишонч билдирилиб, у Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тасдиқ-

---

ланган эди. Ўз фаолиятининг дастлабки даврида вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида Ў. Барноев томонидан бирмунча ҳаракатлар бўлди. Лекин кейинчалик унинг фаолиятида ишга масъулиятсизлик билан ёндашиш, вилоятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда бепарволик ва сусткашлик, эришилган натижалардан қониқиш ҳолатлари кўзга ташлана бошлади.

Ишга бундай лоқайд муносабат қандай салбий оқибатларга олиб келганини юқорида зикр этилган мисоллар яққол тасдиқлайди. Бу мисолларни давом эттириб, кадрлар масаласида, яъни вилоят, шаҳар ва туман даражасидаги кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, авваламбор, уларнинг қобилияти, билим ва тажрибаси, ишни билиши, салоҳияти ва истиқболини ҳар томонлама ўрганиб, бамаслаҳат қарор қабул қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида кўп фактларни келтириш мумкин. Масалан, ўз вазифасига нолайиқ, ишни уддалай олмаётган, халқ ишончини йўқотган айрим вилоят ташкилотлари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятига баҳо беришда Ў. Барноев қатъиятсизлик ва сусткашликка йўл қўйиб, уларнинг камчиликларидан кўз юмиб келган. Бундай нолайиқ кадрлар, асосан, Президент девони ташаббуси билан алмаштирилган.

---

Вилоятда замонавий билим ва профессионал малакага, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини битирган ёш кадрларга ишонч билдириш, уларнинг йўлини очиб бериш ўрнига масъул лавозимларга бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган номзодларни тавсия этишдек номақбул тажриба қўлланиб келган.

Мажлисда таъкидланганидек, вилоят ҳокимининг иш фаолиятида кузатилган яна бир жиддий камчилик шуки, Самарқанд заминдаги нуфузли олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот марказлари, маданият муассасаларида меҳнат қилаётган, ўз ҳаётини илм-маърифатга бағишлаган заҳматқаш олимлар, санъат ва маданият намояндалари, шу юртнинг ҳақиқий фидойилари бўлган инсонларга, уларнинг дарду муаммоларига эътибор бериб, илмий-ижодий излашнишлари, бой салоҳиятини вилоятни равнақ топтириш йўлида бирлаштириш, сафарбар этишга унинг қурби етмади. Ҳолбуки, ўзига нисбатан катта ишонч билдирилган ҳар қайси раҳбар, шу жумладан, Самарқанд вилоятини бошқаришдек ўта масъулиятли вазифага тайинланган шахс, авваламбор, бу ишга киришишни кўп миллатли, кўпни кўрган, қанчадан-қанча синовлардан ўтган халқнинг ўзига хос ва ўзига мос

---

табиати ва менталитети, дунёқараши, бу вилоятнинг сир-асрори, тарихи билан, ўз фаолияти, ҳалол меҳнати ва хизмати туфайли катта обрў қозонган, етакчи, кайвони бўлиб танилган одамлар билан яқиндан танишиш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, маслаҳат ва тавсияларига қулоқ солиш ва тегишли хулосалар чиқаришдан бошлаши лозим.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2008 йил апрель ойидаги Ў. Барноев вилоят ҳокими этиб сайланган сессияда унга айнан шундай маслаҳатлар берилган эди. Бу шахнинг ўз фаолиятида энг бошдан хатога йўл қўйганини айтиш шундан тавсияларга жиддий қарамагани, уларни эътиборга олмаганида кўриш мумкин. Яъни Барноев ўзига ортиқча бино қўйиб, атрофидаги муовинлари ва фаолларнинг фикрини менсимасдан, манманликка, ўзбошимчаликка берилиб кетгани охир-оқибатда унинг обрўсига путур етишига олиб келди.

Барноевда бугунги раҳбардан замоннинг ўзи талаб қилаётган муҳим хусусиятлар, авваламбор, кенг миқёсда фикрлаш, ён-атрофидаги фаолларга суяниб-таяниб, уларнинг бошини қовуштириб ишлаш, бағрикенглик аломатлари ва ҳаётий тажриба етишмаслиги намоён бўлди. Буларнинг барчаси вилоятда бир ёқадан бош чиқариб, бири-бирига елкадош бўлиб ишни бошқариш ўрнига

---

кўпгина хато, нуқсон ва камчиликларга йўл қўйишга сабаб бўлди.

Вилоят олдида турган ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни, авваламбор, шаҳар ва туманларнинг иқтисодиётини, социал соҳани ривожлантириш, аҳолининг оғирини енгил қилишда бундай яроқсиз иш услуби ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Юртбошимиз шу муносабат билан барча раҳбарларга дахлдор бўлган ҳақиқатни яна бир бор эслатиб ўтди: сен бошқарган, сенга ишонч билдирган аҳоли, эл-юрт, жамоатчилик ҳамма нарсани кузатади, ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани англайди ва вақти келганда тегишли хулоса чиқаради.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ў. Барноев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тавсиясига кўра, Самарқанд шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Зойир Мирзаев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бу дунёда ҳар қайси инсон бахтли бўлишни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди. Халқимизнинг шу борадаги эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, эл-юртимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида

---

Ўзимизни аямасдан меҳнат қилиш биз — раҳбар ва фаолларнинг нафақат вазифамиз, айти вақт-да муқаддас бурчимиздир, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд вилояти бўлими раиси ўринбосари Бахтиёр Хўжаёров, «Маҳалла» жамғармаси Қўшработ тумани бўлими раиси Нормўмин Усмонов, «Элхолдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси Рустам Сатторов, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси раиси Хадича Жаъфарова, Пастдаргом тумани ҳоқими Абдумўмин Жўраев, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори Собир Бобоев, Самарқанд туманидаги «СамРосХолод» қўшма корхонаси раҳбари ўринбосари Шавкат Йўлдошев ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислоҳотларимиз самарасини ошириш учун бутун Самарқанд аҳли белни қаттиқ боғлаб, астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидладилар.

---

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ қадами билан юртимизга кириб келаётган янги — 2011 йил билан самимий муборакбод этиш ва энг эзгу тилаklarимни билдиришдан бахтиёрман.

Айни шу лаҳзаларда барчамиз ўтиб бораётган йил давомида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, қувонч ва ташвишларни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказиб, шу кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз, ҳаётнинг қадр-қимматини яна бир бор англашимиз табиий, албатта.

Яқунига етаётган йилни кузатар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгараётган замонда, аввало, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилик туфайли

---

вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳроқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Биз 2010 йил мобайнида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлмайлик, албатта, уларни қийинчиликсиз, осонлик билан қўлга киритганимиз йўқ.

Шу маънода, қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ хўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, ўз ниҳоясига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг яққол тасдиғини, аввало, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги саноқли давлатлар қатори-



---

да иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётганида кўриш мумкин.

Айниқса, яқунланаётган йилда галла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича мамлакатимизда мўл ҳосил етиштирилгани, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизни ташкил этиб, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизга ошириб бажарилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Энг муҳими, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

2010 йил — Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг кўламли тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажакимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамлакатимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шубҳасиз, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистони-

---

мизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон — қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин — бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб юришга, албатта, ҳақлидир.

Бугун мана шундай шукуҳли айёмда заҳматкаш деҳқонларимиз, меҳнатчи ва зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга, жасур ва мард ҳарбийларимизга — мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати сингган барча-барча юртдошларимизга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигимни билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун эски йил билан хайрлашар эканмиз, барчамиз «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном олган янги — 2011 йилни қутбаракали, омадли ва файзли, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни юксак поғонага кўтаришда янги бир босқич бўлади, деб катта орзу-умидлар билан кутиб олишимиз табиийдир.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда, салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсатни давом эттириб,

---

аҳолимизнинг даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини 25 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу борада соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларга йўналтирилган маблаглар ҳажмини сезиларли даражада ошириб, давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 60 фоизини айнан ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ажратиш белгилангани эл-юртимизнинг байрам олди кайфиятини янада кўтаради, деб ўйлайман.

Бундай режалар ҳаммамизни қувонтиради, албатта, лекин бу марраларни қўлга киритишнинг асосий шартлари ҳақида алоҳида айтиб ўтишни ўринли деб биламан.

Нафақат 2011 йилдаги, балки узоқ ва давомли орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яккаю ягона шarti, бу — жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошираётган, узоқни кўзлаган ислохотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга ошираётган иш-

---

ларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2011 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## **ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб ишга бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 19 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу йил халқимиз барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган шонли сана — Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрамини кенг нишонлайди.

Ана шу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида амалга оширган, ўзининг кўлами ва моҳиятига кўра гоят улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан,

---

яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Юртимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципиал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга ва минтақамизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди.

Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмаларнинг, кўп погонали бошқарув тизимининг тугатилиши армиямиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда

---

кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахл-сизлигига рахна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига зарба бериш қобилияти юқори даражада ошди.

Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларга ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятнинг тажриба ва малакасини эгаллаш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда. Ушбу билим юртларида бўлғуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, ўз Ватанига садоқатли офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги вақтда қўшинлардаги ҳарбий хизматчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроги ўқув машғулотларини жанговар вазиятга мумкин қадар тўла яқинлаштирилган ҳолда олиб бориш имконини берадиган замонавий тренажёр мажмуалари, моделлаштириш ва симуляция воситалари

---

билан жиҳозланган сержантлар тайёрлаш мактабларида тайёргарликдан ўтгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тизим ўқув материаллини янада сифатли ўзлаштириш, бирламчи бўгин командир кадрларининг тайёргарлик жараёнини ўзгартириш, сержантлар корпусини соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ва ҳарбий интизомни шакллантириш таянчига — Қуролли Кучларимизнинг мустаҳкам ўзагига айлантириш имконини берди.

Қуролли Кучларнинг қисм ва бўлинмаларини қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилиши, чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар тизимини принципиал жиҳатдан ўзгартириш, ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, армиямизнинг жанговар тайёргарлигини бутунлай оширишга олиб келмоқда.



---

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳарбий хизматчилар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда. Фақат кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юртларига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўсининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида ҳарбий ва мудофаа қурилиши, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз сарҳадларининг мудофааси ва ҳимояси, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишталигини таъминлаш ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айта оламиз.

---

Қадрли дўстлар!

Бизнинг энг муҳим вазифамиз — ҳар жиҳатдан замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни шакллантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, унинг тизимли ва комплекс модернизация қилинишини таъминлашдан, қисқача айтганда, халқимиз муносиб ва ҳақли равишда фахрлана оладиган Қуролли Кучларни яратишдан иборатдир.

Афғонистондаги вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг туюлаётгани, бизга чегарадош баъзи мамлакатларда юзага келган беқарорлик, шунингдек, минтақамизда бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг сақланиб қолаётгани биздан Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, яқин атрофимизда иғво қўзғатиб, кескинлик ва қарма-қаршилиқ ўчоқларини келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади.

---

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

**Биринчи.** Минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажакда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инобатга олган ҳолда, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб боришимиз зарур.

Аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган бир қолипдаги ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши Қуролли Кучларимизнинг муносиб ва самарали зарба бериш имконияти ва тайёргарлигини танқидий баҳолаб боришимиз даркор.

**Иккинчи.** Барча қўшин турларини бошқариш ва ўзаро узвий мувофиқлаштиришнинг самардорлигини янада ошириш, қисм ва бўлинмаларнинг стратегик, оператив ва тактик нуқтаи назардан аниқ ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш, мамлакатимиз чегараларини бузиб, юртимизга бостириб киришга қаратилган ҳар қандай ёвуз уришишларга зарба бериш ва уларни бартараф этишга доимо тайёр туриш лозим.

---

Бу борада Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округларнинг қўмондонлик ва штаблари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Ушбу тузилмалар ҳозирги шароитларда ҳар қандай хавфнинг чорасини олдиндан кўришга ва узоқни кўзлаб иш олиб боришга тайёр бўлиб турган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа тизимидаги заиф нуқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлаш учун қўмондонлик-штаб ўқув машқларида айни шундай тайёргарликлар устида ишлашни мақсад қилиб қўйиши зарур.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи Қуролли Кучларни бошқариш, режалаштириш ва қўллаш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг информацион воситалари ва ҳарбий алоқа тизимларини уйғунлаштиришни, Қуролли Кучларимиз ахборот-коммуникацияларининг рақамли ягона тармоғини яратишни тақозо этмоқда.

**Учинчи.** Барча даражадаги қўшин турларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида қўмондонлик-штаб, тезкор-тактик, тактик-махсус ўқув машқлари ва машғулотларини ўтказиш, индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарликнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳамкорлик-

---

даги операцияларга жалб этиладиган чегара қўшинлари, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари, вертолёт-ҳужум бўлинмалари ва махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, бошқа жалб қилинадиган қўшин турлари ҳам-корлигида турли модель ҳамда вариантларни амалда қўллаш барча ўқув машгулотларининг муҳим таркибий қисмига айланиши шарт. Шу борада ҳарбий округлар қўмондонликларининг турли хавф-хатар ва таҳдидларга қарши тезкор зарба бериш бўйича вазифаларни ҳал қилишда белгиланган операцион йўналишлар доирасида амалда мустақил ва ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлишига эришиш лозим.

**Тўртинчи.** Қуроли Кучларимизнинг ҳаракатчанлиги, ўзини ўзи бошқариши, юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишига эришишда ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-ярог ва ҳарбий техника, алоқа ва индивидуал ҳимоя воситалари билан қайта жиҳозлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қуроли Кучларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини назарда тутган ҳолда, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолёт техникаси, бронетанк қурол-яроглари, артиллерия тизимлари, зенит ракеталари комплекслари, залпли ўт очишнинг реактив тизимлари, юксак даражада аниқ нишонга оладиган замонавий қурол-

---

лар, индивидуал ва гуруҳ шаклида, шу жумладан, радиоактив нурланиш ҳамда кимёвий ва биологик қуроллардан ҳимояланишнинг махсус восита ва техникаларини модернизация қилиш ва уларнинг замонавий намуналарини сотиб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

**Бешинчи.** Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири — офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Қуролли Кучлар қўмондонлиги ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактабларини энг замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси, ҳарбий полигон асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига бундан буён ҳам асосий эътиборни қаратиши лозим. Ўқув жараёнини ташкил этишда ҳарбий

---

соҳани ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, муайян ҳудуд доирасида тез ва шиддатли тарзда кечадиган операциялар ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш бўйича бугунги тажрибаларни акс эттирадиган фан ва ихтисосликларни ўзида мужассам этган замонавий таълим дастурларига асосланиш зарур. Курсантларни назарий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қўшинлар сафидаги амалий тайёргарлиги билан узвий равишда тўлдирилиши, кундалик жанговар хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Буларнинг барчаси ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва инструкторлари таркиби олдига алоҳида юксак талаблар қўяди. Улар юқори даражадаги профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, замонавий ўқув-тарбия ишларининг шакл ва усулларини пухта эгаллаган ҳолда, ўзининг педагогик ва ҳарбий-профессионал малакасини доимо ошириб, хорижий армияларнинг илгор тажрибаларини ўзлаштириб бориши даркор. Мухтасар айтганда, улар ўз хизмат бурчини юқори даражада адо этиш, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, юксак маданият ва ахлоқ борасида ибрат ва намуна кўрсатишлари лозим.

Юқорида зикр этилган масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Қуроли

---

Кучлари академияси олдида катта вазифалар турибди. Яқинда уни тубдан қайта ташкил этиш жараёнида олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш масъулияти айнан шу академияга юклангани ҳам бунинг яққол далилидир.

Ҳарбий таълим тизимини модернизация қилишда етакчи хорижий давлатлар, жумладан, НАТОга аъзо мамлакатларнинг офицер ва сержантлар тайёрлаш тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

**Олтинчи.** Мудофаа қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси билан бевосита боғлиқдир.

**Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилганн, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ва-**



---

**тан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.**

Бу мақсадларга эришиш учун энг замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, етакчи жамоат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат намояндаларининг куч ва имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шахарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграцияланган қўшинларорти таъминотини йўлга қўйиш, ижтимоий, уй-жой, маиший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Бу вазифаларнинг ўта муҳим аҳамияти шундаки, авваламбор, **бугунги шаронгда фақат пухта тайёргарликка эга бўлган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, пировард натижада эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг, осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўла олади.**

---

Азиз ватандошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 19 йиллиги билан яна бир бор табриклар эканман, барча ҳарбий хизматчиларга — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга — бугунги кунда Қуроли Кучларимиз сафларида масъулиятли хизмат вазифасини ўтаётган юртимизнинг мард ва жасур ўғлонларига, Ватанимизни ҳимоя қилишдек олижаноб бурчини муносиб адо этаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик сўзларини изҳор этишдан бахтиёрман.

Барчангизга янги 2011 йилда мустақкам соғлиқ, бахт ва омад тилайман!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли  
Кучлар Олий Бош Қўмондони*

---

**БАРЧА РЕЖА ВА ДАСТУРЛАРИМИЗ  
ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ  
ЮКСАЛТИРИШ,  
ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ  
ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бу йил барчамиз она юртимиз, Ўзбекистони-  
мизнинг янги тарихидаги энг буюк ва қутлуғ са-  
налардан бири — Ватанимиз мустақиллигининг  
20 йиллик шонли байрамини кенг нишонлай-  
миз. Табиийки, бу биздан барча соҳа ва тармоқ-  
ларда амалга ошираётган кенг қўламли ислоҳот-  
ларимизни атрофлича таҳлил этиб, келгуси ре-  
жаларимизни аниқ-равшан белгилаб олишни  
талаб этади.

Айни шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, биз  
Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирил-  
ган мажлисида кўриб чиқиладиган асосий вази-  
фанинг ижросига янада катта масъулият билан  
ёндашмоғимиз керак. Яъни, 2010 йилда мамла-  
катимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш  
яқунларини танқидий баҳолашимиз ва шу асос-  
да 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастур-  
нинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқ-  
лаб олишимиз даркор.

---

Бу борада, авваламбор, мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий кўрсаткичлар ва нохуш тенденцияларни нафақат қайд этиш, балки иқтисодиётимизнинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва ҳолисона таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳақда гапирганда, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга қандай салбий таъсир кўрсатгани ва кўрсатаётгани хусусида бугун тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

Бугун дунё иқтисодиётидаги аҳволни таҳлил қилар эканмиз, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишга барча асосларимиз бор.

---

Дунёдаги тараққий топган 20 та давлат ишти-рокида ташкил этилган, «Катта йигирмалик» деб ном олган гуруҳ доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқти-содиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланаётгани йўқ.

Инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқти-содиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақ-лаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ри-вожланган мамлакатларда катта миқдордаги дав-лат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносиблик-нинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хом ашё бозорларида сунъий равишда ошириб бо-рилган спекулятив нархларнинг янада кўтари-либ кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляция-нинг жilовлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Жаҳон миқёсида конвертация қилинадиган асосий валюталарнинг беқарорлиги жиддий ха-вотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи нав-батда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу

---

валюталарга бўлган ишончига жиддий путур етказмоқда.

Қадрли дўстлар!

**Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолар эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур.** Шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани, албатта, барчамизга мамнуният багишлайди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди.

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

---

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу, авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг натижасидир.

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш, кўп жиҳатдан, иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилганини таъкидлаш зарур.

2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустақкамланди.

Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди.

---

**Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир.**

Ҳаммамиз яхши биламизки, бизга собиқ совет тизимидан бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди.

Шуни эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик муҳим стратегик аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришга бугун зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтмоқчиман.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.



---

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютугимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда.

2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

**Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратишни истардим.**

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди.

---

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида «Спарк» енгил автомобиллини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган «МАН» автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, «ЭлЖи» русумидаги жаҳонга машҳур холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир.

Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинмоқда.

2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намойиш этилди, қиймати

---

2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Бу рақам олдинги ярмаркадаги кўрсаткичга нисбатан 1.4 марта кўпдир. Ярмаркада умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион долларлик экспорт битимлари тузилди ва бу 2009 йил даражасидан 1.2 баробар ортиқдир.

**Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.**

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1.5 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» деган рейтинг даражасига эгадир.

Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки,

---

2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи қарзлар, асосан, узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди.

Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Ўтган йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди.

Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир.

---

Биз жорий этган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутди.

Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технологик жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни банклардан фаол сотиб олмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тиклангани, уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Қайд этиш керакки, банклар томонидан бу корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди. 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди.

---

Бу борадаги ишларимизнинг аҳамиятини тасаввур этиш учун ана шу қайта тикланган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 460 миллиард сўмни ташкил этиб, умумий қиймати 165 миллион доллардан ортиқ бўлган турли маҳсулотлар экспорт қилинганини айтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бундай ёндашув келгусида ҳам банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларида энг муҳим йўналиш бўлиб қолиши зарур. Бугунги мажлисда қатнашётган тижорат банкларининг раҳбарлари эътиборини айнан шу масалага қаратмоқчиман.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжалиқларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида **иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.**

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада

---

кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хом ашё база-си яратилмоқда.

Махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастур-ни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди.

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона ҳудуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжалиklarининг дарома-

---

дини ошириш учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилди, сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши бошига ҳисоблаганда, қарийб 20 баробар ошди.** Биз бу борада мобиль алоқа, интернет, видеотелефон тизими, рақамли телевидение, замонавий банк хизматлари, лизинг, сугурта, аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бугунги кунда юртимиз мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда олдинги ўринда турган ўнта мамлакат қаторига киради. Ўзбекистонда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2000 йилга нисбатан — шунга эътибор берингла — 200 баробар ошиб, 19 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этмоқда. Агар ўн йил аввал мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобиль телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз собиқ Иттифоқ худудиди биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтиш бўйича катта миқёсдаги дастурни амалга оширишни бошлади ва бу жараён 2015 йилда ниҳоясига етказилади.



---

Аҳолининг Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2010 йилда Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,6 баробар кўпайди ва 7,4 миллион кишидан ошди.

Айни вақтда Интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобидан ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Хусусан, 2010 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилганини алоҳида қайд этиш керак.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

**Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.**

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илгор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтири-

---

ладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 600 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Мухтасар айтганда, Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «М-300» русумидаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш», 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши», «Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш» каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилганини таъкидлаш жоиз.

2010 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

**Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш** бўйича лойиҳаларни амалга

---

оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. Ўтган йилнинг ўзида фақат автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобиль йўли фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига кирадиган цемент-бетон қопламали 222 километрлик автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорда кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган «Навоий» халқаро интермодаль логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз автотранспорт қатнови таъминланди.

---

Ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. Ўтган йили «Эйрбас индастри» компаниясининг 6 та А-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электро-воз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизация қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни мустақил равишда ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан биргаликда молиялаштириш борасидаги роли ортиб бормоқда. 2010 йилда ушбу фонднинг қарийб 330 миллион доллар миқдо-ридаги маблағи ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга нисбатан 25,6 фоизга кўпдир.

Ўтган даврда Фонд маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Ўзбекистон — Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникация тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийб 80 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланди.

Тикланиш ва тараққиёт фондининг таркибий ўзгаришлардаги роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2014 йилгача унинг низом жамгармасини икки баробар, яъни 5 миллиард доллардан

---

10 миллиард долларга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш яқунга етказилди.**

Умуман олганда, 2005—2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

---

Ўтган йилда фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар 2009 йилда олтита мусиқа ва санъат мактаби қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида 46 та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ йўналтирилди.

2010 йилда **соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш** борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича юксак сама-

---

рали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустақкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффиценти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффиценти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга эри-

---

шишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоизга кўпдир.

2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилди.

Ҳисобот даврида соглиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.

**Ўтган йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шартларига эга бўлган якка тартибдаги тураржой массивларини комплекс қуриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум.**

Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди.



---

Натижада 2010 йили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди.

Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридagi капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблаг 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган 165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти барпо этилди.

Айни пайтда янгитдан қурилаётган тураржой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. 103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари, шунингдек, умумий узунлиги 85 километр бўлган ички йўллар қурилди.

Ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш бўйича янги коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш, модернизация ҳамда реконструкция қилиш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда.

**Бугунги кунда биз учун энг долзарб муаммолардан бири бўлмиш юртимизда меҳнатга лаёқат-**

---

**ли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларимиз ҳақида.**

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 604 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

**Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида** ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

Биргина 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.

Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Юртимизда оилаларнинг сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан

---

таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошди. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 та оилага ўртача 132 та телевизор, 99 та холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобиль тўғри келмоқда.

**2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш** бўйича қилинган ишларимизнинг улкан моҳияти ва аҳамиятини, албатта, қисқача баҳолаш қийин.

Сизларга яхши маълумки, Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишда ушбу дастур ижросини таъминлаш бўйича эришилган асосий натижалар ҳақида атрофлича фикр юритилган эди.

Мен бу ўринда фақат шуни таъкидлашни истардимки, мазкур дастурни бажариш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирди.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

**2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги**

---

**ўсиш — 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида — 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда.** Инфляция даражаси 7—9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда.

Тасдиқланган давлат бюджетиди ялпи солиқ юкини 1,2 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга тушириш мўлжалланган.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустақкамлашга йўналтирилган **таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.**

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хом ашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори кўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ҳақида сўз бормоқда.

---

Ана шу мақсадларга эришиш учун «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади.

Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, яқуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур.

Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини

---

2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу лойиҳалар синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги, замонавий газ-кимё комплексларини барпо этиш, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ҳамда янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармогини жадал ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур дастурга киририлган ҳар бир лойиҳа бўйича идоралараро ишчи гуруҳларини тасдиқлаши лозим. Бу ишчи гуруҳлар лойиҳаларнинг барча босқичларда амалга оширилиши ва фойдаланишга топширилишини тизимли асосда кузатиб ва қатъий назорат қилиб бориши зарур.

**Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.**

Бу хусусда гапирганда, 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг

---

36,4 фоиздан ортигини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани, замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётганини қайд этиш даркор.

2011 йилда 35 тадан ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхонасини қуришни якунлаш ва фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилмоқда. «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда йилига 225 минг дона автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхона, Қўқон шаҳрида «Индорама» компанияси билан ҳамкорликда якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган тўқимачилик комплекси, шунингдек, умумий қуввати 30 минг тонна калава ишлаб чиқаришдан иборат бўлган яна бир қатор тўқимачилик комплекслари каби муҳим объектлар шулар жумласидандир.

Шулар қаторида Тошкент шаҳрида кўп ўринли «Мерседес-Бенц» йўловчи автобусларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва «Шўртан нефть-газ» унитар корхонасида 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ўрнатиш, Олмалиқ ва Навоий комбинатларининг корхона ва ишлаб чиқариш қувват-

---

ларини техник қайта жиҳозлаш, Бекобод металлургия комбинатини модернизация қилиш ва бошқа ўта муҳим лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилнинг охирига қадар, идоравий мансублигидан қатъи назар, барча йирик корхона ва ишлаб чиқариш қувватларида жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий технологиялар билан алмаштирилиши лозим бўлган ускуна ва технологияларнинг рўйхатини аниқлаш учун техник аудит ўтказиш зарур. Вазирлар Маҳкамасига ушбу дастурлар бажарилишини назоратга олиш вазифаси топширилади. Бунда янги лойиҳаларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутиш даркор.

Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, бу йўналишдаги ишларнинг



---

кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамасдан, суғориладиган ерларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиги эса бонитети паст ерлар тоифасига киради. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб борамиз. Айни пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солишимиз лозим.

Шуни тан олиш керакки, чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган **замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга старлича эътибор берилмаяпти.**

---

Масалан, чорвачилик соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир. Таққослаш учун қуйидаги бир мисолни келтираман: Дания ва Жанубий Кореяда сут соғиб олиш бўйича ўртача кўрсаткич 8—9,5 минг килограмми, Венгрия, Германия, Голландияда эса 6—7 минг килограмми ташкил қилаётган бир пайтда, бизда кейинги беш йилда бу рақам 1,7 минг килограмм даражасида сақланиб қолмоқда.

Бу ўринда гап фақат ўзига хос иқлим шароитлари билан эмас, балки энг асосий масала бўлмиш замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиши, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши зарур.

Чопиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиги ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани,

---

қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Вазирлар Маҳкамасига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва ер унумдорлигини ошириш бўйича махсус дастур тайёрлаш топширилади.

Қишлоқ хўжалик техникаларини янгилаш бўйича, аввало, чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб қилинади.

Бу борада биз Германиянинг «Клаас» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга бундан кейин ҳам жиддий эътибор қаратамиз.

Хориждаги бошқа машҳур фирмалар билан ҳам алоқаларни йўлга қўйиш, биринчи навбатда, замонавий мелиорация техникасини ишлаб чиқариш ва таъмирлашни ташкил қилиш масала-

---

ларида ҳамкорлик қилиш бўйича бугунги кунда олдимизда катта истиқболлар очилмоқда.

**Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш — чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратаётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман.**

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Бу, авваламбор, газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қан-

---

дим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хом ашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар — тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисми, холос.

Шу билан бирга, ишончим комилки, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Содда қилиб айтганда, бу борада ишончли кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш даркор.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмаларга **икки ой муддатда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни**

---

**чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чоратадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилсин.**

Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, энг муҳими, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Айни пайтда биз мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтириш бўйича ҳам доимий иш олиб боришимиз даркор. Бу борада Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш гоят муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши керак.

2011 йилда мазкур Фонднинг маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш

---

кўзда тутилаётган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир.

Бу лойиҳалар сирасига, энг аввало, Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг бешта энергия блокинни йил давомида кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалар киради.

Фонднинг хорижий шерикларимиз билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигига мисол сифатида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион долларлик иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳасини келтириш мумкин.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари, Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда.

**Бизнинг 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилmani, транспорт ва коммуникация**

---

**қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор.**

Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан қарийб 7 миллиард доллар йўналтириш мўлжалланмоқда. 2011 йилда бу маблағнинг 1 миллиард 200 миллион доллардан ортигини ўзлаштириш лозим.

Бу борада Ўзбекистон миллий автомагистрalli таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилиши лозим.

2011 йилда ушбу мақсадлар учун 2010 йилга қараганда 1,4 баробар кўп, яъни 547 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмаларни йўналтириш, халқаро талаб ва стандартларга



---

жавоб берадиган 302 километрлик автомобиль йўллари фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Сизларнинг эътиборингизни яна бир долзарб масалага, яъни «Тошкент — Андижон» автомобиль йўлининг «Қамчиқ» довони орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, цемент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлигига қаратмоқчиман.

Биз Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан йил давомида ишончли ва кафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур.

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Кувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблаг ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда темир йўлчиларимиз олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Хусусан, «Жиззах — Янгиер» йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темир йўл тармоғи ва «Янгиер — Фарҳод» йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темир йўл тармоғи қурилишини ниҳоясига етказиш, «Мароқанд — Қарши» ва «Қарши — Термиз» йўналиши бўйича стратегик

---

аҳамиятга эга бўлган темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга оширишга киришиш зарур.

Бу, ўз навбатида, сарф-харажатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркинни янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Шулар қаторида Испаниянинг «Тальго» компанияси билан ҳамкорликда «Тошкент — Самарқанд» темир йўл участкасида Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этиладиган тезюрар темир йўл магистралини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг белгиланган муддатларда яқунланишини таъминлаш даркор.

Ўзбекистон ҳудудида юкларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равишда таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимларини такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларни 2011 йилда давом эттиришимиз лозим.

2010 йилда ташкил этилган «Ангрен» логистика марказини янада ривожлантиришни кўзда тутиш, жорий йилда «Қамчиқ» довони орқали

---

камида 5 миллион тонна юк ташишни таъминлаш зарур. Бунинг учун Ҳукумат ушбу марказнинг контейнер билан келадиган юкларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш қувватини ошириш, уни Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган «МАН» автотягачлари билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

Шунингдек, ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган «Навоий» аэропорти базасидаги Халқаро логистика марказини янада ривожлантиришни таъминлаш даркор. Жорий йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлмиш «Кореан Эйр» компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.

Маълумки, биз замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантиришга ғоят муҳим эътибор қаратмоқдамиз.

2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва

---

модернизация қилиш, 950 километрдан оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 минггага етказиш лозим.

Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Электрон таълим» миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилади.

2015 йилгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтишни таъмин-

---

лаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига 2011 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳарлари телемарказларида замонавий рақамли узатиш ускуналарини ўрнатиш, аҳолини рақамли форматдаги теледастурлар трансляцияси билан қамраб олишни 23 фоиздан 37 фоизга ошириш, шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида рақамли телевидение учун махсус мосламалар ишлаб чиқариш қувватини 50 минг донга етказиш вазифаси топширилади.

2011 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамарказини Япония ва Германиянинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий мультимедиа техникаси билан жиҳозлаб, фойдаланишга топширишни таъминлаш зарур.

**Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, жорий йилда ҳам диққатимиз марказида бўлади.**

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу ўтган йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва

---

соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. 2011 йилда ушбу тоифалардаги ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармасининг 367 миллиард сўм миқдоридagi маблағи ҳисобидан жорий йилда 336 та таълим муассасасини, 65 та болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил қилишни таъминлаш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Корея Эксимбанкнинг 30 миллион доллар миқдоридagi кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида яна қўшимча

---

равишда 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

Ҳозирги кунда 2011—2015 йилларда Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастури тайёрланмоқда ва ушбу ҳужжат яқин вақт ичида қабул қилинади. Дастурдан кўзланган асосий мақсад — олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

2011 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази, Республика жарроҳлик маркази ҳузурдаги кардиохирургия бўлими, Гематология ва қон қуйиш институтининг янги бўлими каби йирик соғлиқни сақлаш объектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Нукус, Андижон, Гулистон ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли вилоят болалар марказлари, Қарши, Наманган ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли тиббиёт марказларини, жами 6 минг 400 ўринга мўлжалланган 51 та стационар муассаса, бир кунда 6 минг кишини қабул қила оладиган 23 та поликлиникани қуриш ва

---

реконструкция қилишни якунига етказиш кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, уларни ўз вақтида ўзлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифати ус-тидан қатъий назоратни таъминлаши зарур.

Ҳукумат, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **2011 йилда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш ва қишлоқларни ободонлаштириш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.** Бу борада 357 та массивда камида 7 минг 400 та уй-жой, шунингдек, ижтимоий ва коммунал хўжалик объектларини қуриш мўлжалланмоқда. Ушбу мақсадлар учун 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ, жумладан, Давлат бюджетидан 140 миллиард сўм ажратиш ва Осиё тараққиёт банкининг 100 миллион доллардан кам бўлмаган имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш даркор.

Қадрли юртдошлар!

**Мамлакатимизда 2011 йилини «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан масъулият юклаши, бу борада тайёрланаётган**



---

умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак.

Биз ҳаммамиз, мана шу залда ўтирганлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини, албатта, чуқур англаймиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимизда қандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқорида қайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётганини айтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, эришган муваффақиятларимизни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар тажрибаси билан таққослаган ҳолда танқидий баҳолар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки,

---

Ўзбекистонда ҳали бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Бу ҳақда гапирганда, қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни истардим:

**Биринчидан**, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор.

Бош прокуратурага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифаси топширилади.

**Иккинчидан**, Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

---

фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш вазифаси топширилади.

Эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ара ташувини янада кескин камайтириш даркор.

**Учинчидан,** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси топширилади.

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муд-

---

датли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошлангич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш даркор.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамгармасини ташкил қилиши зарур. Бу эса кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини яратади.

**Тўртинчидан,** биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак.

Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида кўшимча преференциялар бериш зарур.

---

Шуни тан олиш керакки, ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга мустақил равишда чиқа олмайди. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги «Ўзстандарт» агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда кичик бизнес корхоналарига ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини сотишга кўмаклашадиган, маркетинг ўтказиш, сертификат ва рўхсатномалар олишни таъминлайдиган механизмни яратиш учун барча зарур ишларни амалга ошириши даркор.

**Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шартидир.**

2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини, асосан, қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган.

---

Бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда. 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилади. Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Ҳукуматимиздан, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва корхоналар раҳбарларидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ишларни доимий равишда амалга оширишни таъминлаш талаб этилади.

2011 йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлайдиган 450 мингдан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириш масаласи эътиборимиз марказида бўлиши даркор. Шу фурсатдан фойдаланиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари эътиборини ушбу масъулиятли вазифа бўйича уларнинг

---

шахсан жавобгар эканига яна бир бор қаратишни истардим.

Бу борала кўрилатган барча чора-талбирларга қарамасдан, қуйидаги масалалар касб-хунар коллежлари фаолиятида энг заиф бўгин бўлиб қолмоқда:

1) **9-синф битирувчиларни касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш.**

2) **Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш.**

3) **Касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқарган битирувчиларни ишга жойлаштириш. Бу масала, кўп жиҳатдан, уларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик чуқур ўрганишимизга боғлиқ эканини унутмаслик зарур.**

Юқорида зикр этилган масалалардан тегишли ҳулосалар чиқариш керак.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрлаши ва уларни амалга ошириш

---

масаласига янада масъулият билан ёндашиши даркор.

Шу муносабат билан муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллежларга бириктириш тажрибасини, доимий амал қиладиган «корхона — коллеж» ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Шу бугундан эътиборан бўлажак ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга киришиш, коллеж ўқувчиларининг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш, бошқача айтганда, уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйилишини таъминлаш зарур.

Азиз ватандошлар!

Биз бугун ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилдик ва 2011 йилда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олдик.

Шу асосда иқтисодиётимизни ривожлантириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштиришда яқин келгусида бутун эътиборимиз, ресурс ва имкониятларимизни қаратишимиз лозим бўлган ҳал қилувчи стратегик муҳим йўналишларни аниқлаб олдик.

2011 йилга мўлжалланган дастурий вазифаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ҳар биримиз ўз ишимизни қандай ташкил этишимиз,



---

олдимизга қўйган улкан мақсадларга эришиш учун куч ва имкониятларимизни, билим ва тажрибамизни қанчалик самарали сафарбар эта олишимизга боғлиқ экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

2011 йилда барчангизга чин дилдан янги ютуқ ва муваффақиятлар, бахт ва омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

*2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда  
Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантиришнинг энг муҳим устувор  
ўнашларига бағишланган Вазирлар  
Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза,  
2011 йил 21 январь*

---

**БОЛАЛАР СПОРТИ — ЎЗБЕК  
СПОРТИНИНГ КЕЛАЖАГИ, УНИНГ  
ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎ-  
ЭЪТИБОРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ  
ПОЙДЕВОРИДИР**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида 2011 йил 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси Ислом Каримов ушбу тузилма ташкил этилганидан буён ўтган даврда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти ва амалий натижалари ҳақида сўз юритиб, Жамгарма фаолияти ривожига давлат ва ҳукумат идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, тadbиркорлик ва фермерлик субъектлари, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшаётгани, уларнинг бу борадаги ишларни қўллаб-қувватлаши туфайли бу ташкилот қисқа муддатда умуммиллий ҳаракатга айланганини қайд этди.

Бу ҳақда гапирар экан, давлатимиз раҳбари қуйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди:

---

Ушбу йўналишда тўпланган тажрибамиз асосида хулоса чиқариш ва олдимизда турган вазифалар, мақсад-муддаоларимиз хусусида қисқача тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Бунда, аввало, қуйидаги масалаларга, гарчи улар кўпчиликка маълум бўлса-да, яна бир бор эътиборимизни қаратиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

**Биринчидан**, фарзандларимизнинг спортга қизиқиши ва интилишини, керак бўлса, спортга бўлган меҳрини айна ёш болалик давридан уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида, ҳақиқатан ҳам, доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига эриша оламиз.

Ҳаётнинг ўзи бу фикрни ҳар қадамда тасдиқлаб беради. Бу фикр-хулосага ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, ўз тажрибамиз мисолида ишонч ҳосил қилишимиз қийин эмас, албатта. Яъни, болаларимизни боғча ва мактаб ёшидан спорт оламига жалб этган ҳолда, бу борада кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир кичик боланинг ўзига хос катта дунёси борлигини унутмаслигимиз, бунга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

**Иккинчидан**, бугун ҳеч кимга сир эмас, эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланадиган болаларгина жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етади. Шу асосда ҳар бир ота-

---

онанинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом фарзанд ўстириш, аҳолимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониётлар пайдо бўлади.

Айнан ёшлик чоғидан спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик ва мардлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, таъбир жоиз бўлса, аввало, ўз устидан ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, мустақкам иродага эга бўлиши учун пухта замин яратади.

Ўз устидан ғалаба қозониш деганда, мен ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини интизомга ўргатиш, айрим камчилик ва нуқсонлардан халос бўлиш, синовларни енгиб ўтишни назарда тутаман.

**Учинчидан,** ўз-ўзидан аёнки, болалар спортини ривожлантирмасдан туриб, ўзбек спортининг келажагини таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкин эмас.

Бугунги кунда айнан спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоеён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасига айланиб борётганини кўриш-кузатиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёда 7 миллиардга яқин аҳоли яшаётган бўлса, жаҳон миқёсида энг маш-

---

хур, таниқли шахслар — бу спортчилардир. Мана, ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон жамоаси қанча-қанча йирик давлатлар вакиллари орасида юксак шоҳсупага кўтарилганда, шахсан мен тўлқинланиб, ҳаяжонли бир ҳолатни бошимдан кечирдим. Ўйлайманки, бундай ютуқлар барча юртдошларимизга катта қувонч бағишлагани, шубҳасиз.

Ёки футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси Осиё қитъасида ғолиб бўлиб, бу йил Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани бизнинг спорт ҳаётимиздаги тарихий воқеадир. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу маънода, биз ўзбек спортининг халқаро майдонда ҳар томонлама муносиб ўрин эгаллашига интилар эканмиз, болалар спортини, ўсмирлар спортини тизимли асосда изчил ривожлантирмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмаслигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, **болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворига айланиши зарур.**

**Тўртинчидан,** болалар спорти биз ўз олдимизга қўйган буюк бир мақсадга эришиш учун, яъни

---

баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етаётган болаларимизни ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айлантириш, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан жой олишида қандай беқиёс ўрин ва аҳамият касб этиши ҳақида бугун ҳеч кимга тушунтириб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Мана, кўряписизлар, бугунги кунда мамлакатимизда юксак технологиялар асосида ишлайдиган қанча-қанча корхоналар фаолият кўрсатмоқда, уларда юртимиздаги олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда таълим олган минг-минглаб фарзандларимиз меҳнат қилмоқда. Болаларимизнинг мана шундай юқори малакали мутахассис бўлиб камол топишида, албатта, улар эгаллаган замонавий билим ва кўникмалар билан бир қаторда спорт билан шуғулланиб, соғлом, бақувват бўлиб ўсиб-улгайгани ҳам муҳим омил бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу муносабат билан илгари айтган бир фикр-ни яна бир бор таъкидлашни ўринли деб биламан: ХХІ асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади.

Агар эътибор берадиган бўлсак, кўпгина хорижий давлатларда шу мамлакат, шу халқни улуғлайдиган, дунёга танитадиган тасвирлар, яъни

---

шоҳсупага кўтарилган спортчилар шаънига давлат байрогининг кўтарилиб, давлат мадҳиясининг янграши билан боғлиқ лавҳалар таъсирчан равишда мунтазам намойиш қилиб борилади.

Ўйлайманки, бизнинг миллий телевидениемиз ҳам Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга таратадиган айнан мана шундай лавҳаларни кўпроқ намойиш этса, она юртимизнинг халқаро майдондаги тимсолини яратишга кўпроқ эътибор берса, катта маънавий, тарбиявий ишни амалга оширган бўлар эди.

**Бешинчидан**, биз мана шундай гўзал ва бетакрор, беқиёс бойлик ва имкониятларга, улкан салоҳиятга эга бўлган юртимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган, барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қодир бўлган навқирон авлодни тарбияламоқчи эканмиз, бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида туриши даркор.

Бу ҳақда фикр юритар экан, Президент Ислам Каримов масаланинг яна бир ўта муҳим жиҳатига эътибор қаратди: кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, оналик ва

---

болаликни муҳофаза қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини, маданиятини ошириш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, комплекс ёндашув натижасида аҳолининг, айниқса, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, бир мисол келтириш жоиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди.

Агар дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70—72 фоизни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда бу масала бўйича қандай жиддий ўсиш суръатларига эришилаётгани яққол аён бўлади.

Шу билан бирга, 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайди. Сўнгги беш йилда спорт билан шуғулланадиган 10 — 14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошганини ҳам шу борадаги ижобий кўрсаткичлар сифатида қайд этиш жоиз.



---

Лекин биз бундай натижалар билан кифояланмасдан, ўз олдимизга янада улкан мақсадлар қўйишимиз, яъни тараққий топган давлатлар даражасига етиш бўйича мунтазам иш олиб боришимиз зарур, деди мамлакатимиз раҳбари.

Мажлисида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ўтган йил давомидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди.

Маълумки, 2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш имконини берди.

Йиғилишда 2010 йилда болалар спорти объеклари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурининг ижроси муҳокама этилди. Жумладан, ўтган йили

---

95 та объект ишга туширилгани, шунинг 61 таси қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилгани қайд этилди. Шунингдек, иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан тендер савдолари ва маблағларни қайта тақсимлаш натижалари бўйича қўшимча равишда 4 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани ҳам ижобий баҳоланди.

Бу йил «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг финал босқичи Сурхондарё вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан Термиз шаҳрида бир қатор янги болалар спорти мажмуалари қурилмоқда. Хусусан, 10 минг томошабинга мўлжалланган футбол-енгил атлетика майдонига эга бўлган универсал спорт зали барпо этилмоқда. «Кураш» спорт мажмуасини реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз Сурхон воҳасида биринчи марта ўтказилаётган бундай спорт мусобақасини мамлакатимиз ёшларининг катта анжумани, муҳим сиёсий-ижтимоий, маънавий аҳамиятга молик тадбир сифатида юксак савияда ўтказиш, бунинг учун пухта тайёргарлик ишларини олиб бориш бўйича ўзининг таклиф ва тавсияларини билдирди.

Футболни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2011 йилда Андижон, Наманган ва Самар-

---

қанд вилоятларида профессионал футбол клублари қошида болалар-ўсмирлар футбол клубларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, жорий йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 149 та объект, жумладан, 130 та болалар спорти объекти, 19 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу объектларнинг 118 таси қишлоқ жойларда бунёд этилади.

Мажлисида янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган болалар спорти иншоотларининг, айниқса, сузиш ҳавзаларининг замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 111,1 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 116,8 миллиард сўмни ташкил этди. Хорижий валютадаги тушумлар эса 1,72 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Айтиш жоизки, 2008 — 2011 йилларда маблағлар тушуми 55,9 фоизга кўпайди ва бу, ўз навбатида, ҳомийларнинг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва Жамғарма

---

ишини фаоллаштиришга эътибори ортиб бораётганидан далолат беради.

Ушбу сарф-харажатлар мақсадли амалга оширилди — болалар спорти объектлари ва иншоотлари, сузиш ҳавзаларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, 2010 йилда фойдаланишга топширилган спорт объектларини жиҳозлаш ишлари бажарилди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қизларни спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлаш, спорт тадбирларини ўтказиш, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун ҳам тегишли маблағлар йўналтирилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси ва маҳаллий ҳокимликлар ўғил-қизларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш борасида фаол ҳамкорлик қилаётгани эътиборга лойиқдир. 2010 йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимизда 6 — 15 ёшдаги 1,6 миллион нафар ўқувчи спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич ҳозирги кунда 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 34,5 фоизга, қизлар орасида эса 24,1 фоиздан 30,9 фоизга етди.

Айниқса, вилоятларда гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ҳамда марказларнинг ташкил этилиши натижасида қизларнинг нафис

---

спорт турлари билан шуғулланиш имкониятлари янада кенгайди. Сўнгги икки йилда бадиий гимнастика билан шуғулланадиган қизлар сони уч баробар ошгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Президент Ислон Каримов йигилишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этишини таъкидлади. Болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласига атрофлича тўхталди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, спорт билан шуғулланган қиз бола эртага она бўлади, соғлом зурриётни дунёга келтиради. Айни пайтда ўз фарзандига спортга меҳр туйғусини синдиради. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг асосий маъно-мазмунини ҳам шундан иборатдир, деди Юртбошимиз.

Йигилишда болалар спорти объектларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

2003—2010 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1199 та болалар

---

спорти объекти умумий қиймати 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди.

Мамлакатимиздаги Навоий кон-металлургия комбинати, «Файз» холдинг компанияси, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва бошқа корхоналарда, шунингдек, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларида кенг турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, 2010 йилда «Ўз-Тонг-Хонг Ко» қўшма корхонасида баскетбол, футбол ва волейбол тўплари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида болалар спорти объектлари, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан жиҳозланмоқда. 2010 йилда фойдаланишга топширилган барча спорт объектлари белгиланган нормативларга мувофиқ ўзимизда тайёрланган спорт ускуналари ва инвентарлари билан тўлиқ таъминланди. 2011 йилда секундомер ва шахмат соатлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Мажлисида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг келгуси фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Респуб-

---

ликаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов, Бош вазир ўринбосари Б. Хўжаев, халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очилов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

---

## **ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Ҳурматли дўстлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарувчилари, ходимлари ва фахрийлари!

Сизларни — ўзини одамларнинг ҳаётини асраш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишдек олижаноб ишга багишлаган барча инсонларни қутлуғ сана — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 15 йиллиги билан самимий табриклаш менга улкан мамнуният багишлайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини табиий офатлар, техноген ҳалокат ва фалокатлардан муҳофаза қилиш бўйича ишончли ва самарали миллий тизимни яратиш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Шу борада қўйилган мақсадга эришиш йўлида кўлами ва моҳиятига кўра салмоқли ишлар амалга оширилди.



---

Мамлакатимизда «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида», «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш бўйича ишларни ташкил этиш масалалари, шунингдек, қутқарув хизматлари ва қутқарувчилар фаолиятини, ҳуқуқий мақомини тартибга соладиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база шаклланди.

Юртимизда ва илғор хорижий мамлакатларда тўпланган кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда, фуқаро муҳофааси қурилиши бўйича ўз умрини ўтаб бўлган эскича ёндашув ва қолиплардан тубдан фарқ қиладиган, ҳар томонлама пухта ўйланган, замонавий комплекс дастур асосида мутлақо янги, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими ҳамда унинг мувофиқлаштирувчи органи — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу тизим 40 дан ортиқ турли вазирлик ва идораларни, республикамизнинг барча ҳудудий бўғинларини қамраб олиб, давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, табиий офат ва ҳалокатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларига

---

қарши курашиш бўйича миллий куч ва воситаларнинг ўзаро уйғунлиги ва яқин ҳамкорлигини таъминламоқда.

Мамлакат ва минтақаларимиз даражасида ташкил этилган ҳаракатчан авария-қутқарув, радиацион-кимёвий ва биологик муҳофаза гуруҳлари, объектларнинг фуқаро муҳофазаси тузилмалари барча турдаги хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатлар, жумладан, трансчегаравий кўринишдаги фалокатларга қарши чоратадбирларни тезкор ва ўз вақтида амалга оширмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, сейсмик ҳолатларни кузатиб бориш ва ёнғинларнинг олдини олишда қўлланадиган технологиялардан, шунингдек, ҳалокатлар пайтида ишлатиладиган энг янги қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникадан кенг фойдаланиш фавқулодда вазиятларни мониторинг ва прогноз қилиш тизимининг юксак даражада ишончли бўлишини, қутқарув операцияларини режалаштириш ва амалга оширишнинг тезкорлигини таъминламоқда.

Шу йиллар мобайнида оператив фикрлаш ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда аҳолини қандай ҳаракат қилишга ўргатиш тизи-

---

мини такомиллаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда илмий-педагогик ва ўқув-машғулот марказлари — Фуқаро муҳофазаси институти ва Қутқарувчиларни тайёрлаш маркази ташкил этилгани, уларда 20 минг нафардан ортиқ мутахассис ва қутқарувчи таълим олганини алоҳида қайд этиш зарур.

Хорижий марказлар билан табиий офатлар ва фалокатлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Хусусан, бу борада Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Япония, Украина, Латвия ва бошқа мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Табиий офатларни камайтириш халқаро стратегияси ва Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Осиё маркази каби халқаро тузилмалар доирасида фавқулодда вазиятлар хавфининг олдини олишга доир илгор амалий тажрибаларни алмашиш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.

Сўнгги ўн беш йил давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан хавфли табиий ҳодисалар ва техноген ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича 4 мингдан ортиқ йирик қутқарув операциялари амалга оширилди.

---

Қутқарувчиларнинг фидокорона меҳнати ва юксак профессионал маҳорати туфайли 16 мингдан зиёд фуқаромизнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солган таҳдидларнинг олдини олишга эришилгани, айниқса, эътиборлидир.

Фавқулодда вазиятлар хизматлари ва тузилмаларининг ташкил топиши бўйича шу даврда босиб ўтилган мураккаб йўлни баҳолар эканмиз, иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлаши, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаёти, тинч меҳнати ва осойишталигининг ҳимояси ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айтиш мумкин.

Ҳурматли қутқарувчилар!

Кейинги вақтда дунёнинг турли мамлакатларида рўй берган йирик табиий офат ва техноген ҳалокатлар, республикамизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида zilзила, жала ва тошқинлар, сел ва кўчкилар юз бериш хавфи, шунингдек, манбаи биз билан чегарадош давлатлар ҳудудида жойлашган трансчегаравий кўри-нишдаги хатарларнинг сақланиб қолаётгани ушбу хавфли ҳолатларга қарши самарали ва таҳдид даражасига мос равишда ҳаракат қилишни, барча қутқарув хизматлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг аниқ ва ўзаро уюшган ҳаракатини, ҳар бир қутқарувчининг ўз хизмат бурчини масъулият билан бажаришини тақозо этмоқда.

---

Кўйилган ана шундай мақсадга эришиш йўлида фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг барча бўғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қутқарув хизматларининг юқори малакали ходимларини тайёрлаш, фуқаро муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича ишларни давом эттириш даркор.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳар бир ходими фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни фавқулодда вазиятлар хавфи пайдо бўлганда мавжуд ҳолатга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда ўқитиш борасида ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар, авваламбор, қанча-қанча инсонларни қутқариб, ҳаётини асраб қолишга хизмат қилишини доимо ёдда тутмоғи лозим.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ўз ишига садоқатли, профессионал мутахассислар меҳнат қилмоқда. Ўзгалар дардига бефарқ одам ҳеч қачон қутқарувчи бўлолмайди. Чунки қутқарувчилик — бу оддий касб эмас, балки инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун

---

ўзини қурбон қилишга, жасорат кўрсатишга ҳамиша тайёр туриш демакдир.

Ишончим комилки, мардлик ва матонат, ўз ишининг профессионал негизини чуқур билиш, тезкор ҳаракат қилиш ва сафарбарлик бундан буён ҳам сиз эгаллаган олижаноб касбнинг энг муҳим мезони ва хусусияти бўлиб қолаверади.

Сизларни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ғоят масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## **ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Муҳтарама онахонлар!

Мунис опа-сингиллар, лобар қизларим!

Гўзал юртимизга барчамиз орзиқиб кутган кўклам нафаси кириб келаётган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Баҳор тобора кучга кириб, табиат уйғониб бо-раётган шу қутлуғ айёмда сизларнинг азиз ва қадрдон юзларингиз, кўзларингизга боқиб, самимий туйғу ва тилакларимизни изҳор этар экан-миз, биз баҳор ва аёл сўзларининг нақадар уй-гун ва ҳамоҳанг эканини янада чуқур англаймиз. Аёл зоти чиндан ҳам ўз тимсолида гўзаллик ва нафосат, эзгулик ва фидойилик каби олижаноб инсоний фазилатларни мужассам этганига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, биз ҳаётимиз мазмуни бўлган севги ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва ла-

---

тофат каби энг нозик, сирли туйгуларни Яратганимизнинг беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотисиз асло тасаввур этолмаймиз.

Аёл деганда, кўз ўнгимизда, аввало, оқ сут бериб, барчамизни ўз бағрида асраб-авайлаб вояга етказадиган, бутун ҳаётини фарзандига бахшида этадиган дунёдаги энг муқаддас зот — Она сиймоси намоён бўлади.

Меҳрибон ва мушфиқ оналаримизнинг ана шундай буюк хизматини сўз мулкининг султони, улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жисмни қил садқа ано бошига» деган ҳикматли сўзларидан ўтказиб ифода этишнинг ўзи қийин, деб ўйлайман.

Шу маънода, асрлар мобайнида Ер юзида ҳаёт давомийлигини таъминлаб келаётган азиз ва мукаррам Она сиймоси, аёл зоти олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз-дир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Қадрли опа-сингиллар!

Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмайлик — бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўладими, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими — уларнинг ривожини ва самарасини оширишда, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо



---

этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда опа-сингилларимизнинг катта ҳисса қўшаётгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Хусусан, аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўгиндаги вакиллик органларида 1131 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибида 48 нафар сенатор ва депутат фаолият кўрсатаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзо-си сифатида ўз салоҳиятини намоён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда уларнинг фаол иштирок этаётганида кўриш, кузатиш қийин эмас.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширган улкан ишларимиз ҳақида албатта кўплаб мисолларни олиб келиш мумкин.

Биргина «Соғлом она — соғлом бола» деб ном олган, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган дастуримиз доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг ўзи илгари ҳаётимизда, тарихимизда ҳеч кўрилмаган

---

салмоқли натижалари билан кўпчиликнинг ҳайратини ва ҳавасини уйготмоқда.

Юртимизда замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилиб, барча ҳудудларимизда скрининг ва перинатал марказлари, туғуруқхона ва соғломлаштириш комплекслари, 3200 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги улкан ишларимизнинг бир қисми, холос. Бунга қўшимча қилиб, ўтган йили амалга оширилган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича шу йўналишда 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Бу каби ютуқ ва марралар, албатта, барчамизни мамнун этади, лекин бундай кенг кўламли, узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажак авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало, аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадрига етади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуғ мақсадга қаратилган барча саъй-ҳаракат ва интилишларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланиб, холис эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Халқаро Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Балтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

---

мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болалик-ни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим.

Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват туйғуларининг қадрига етadиган жонкуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолини кўролмайдиган ғаразли кучлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Азиз ватандошлар!

Биз бу йил Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги буюк сана — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини энг улуг ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Бир қарашда, 20 йил кўҳна тарих учун қисқа бир муддат, албатта. Лекин бу давр биз учун ўз моҳияти ва аҳамиятига, амалга

---

салмоқли натижалари билан кўпчиликнинг ҳайратини ва ҳавасини уйғотмоқда.

Юртимизда замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилиб, барча ҳудудларимизда скрининг ва перинатал марказлари, туғуруқхона ва соғломлаштириш комплекслари, 3200 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги улкан ишларимизнинг бир қисми, холос. Бунга қўшимча қилиб, ўтган йили амалга оширилган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича шу йўналишда 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Бу каби ютуқ ва марралар, албатта, барча-мизни мамнун этади, лекин бундай кенг кўламли, узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажак авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало, аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадрига этади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуг мақсадга қаратилган барча саъй-ҳаракат ва интилишларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланиб, холис эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Халқаро Болалар жамгармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Балтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

---

мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болалик-ни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим.

Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват туйғуларининг қадрига етадиган жонкуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолини кўролмайдиган ғаразли кучлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Азиз ватандошлар!

Биз бу йил Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги буюк сана — мустақиллигимизнинг 20 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Бир қарашда, 20 йил кўҳна тарих учун қисқа бир муддат, албатта. Лекин бу давр биз учун ўз моҳияти ва аҳамиятига, амалга

---

оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёсига кўра, ҳақиқатан ҳам, асрларга тенг давр бўлди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ана шу вақт мобайнида биз Ватанимизнинг ёруғ келажаги, унинг равнақи йўлида қанча-қанча оғир синовлардан ўтдик. 90-йилларда давлатимиз эндигина шаклланиб, мустақил тараққиёт сари дастлабки қадамлар қўяётган мураккаб кунлар бўладими, четдан туриб бизга таъсир ўтказиш учун қилинган турли босим ва тазйиқлар бўладими, иқтисодий узилиш ва етишмовчиликлар шароитида, ўта оғир бир вазиятда бозор муносабатларини жорий этиш бўладими, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўладими — буларнинг барчаси, ўйлайманки, янги тарихимизда чуқур из қолдирадиган давр сифатида халқимиз хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Ишонаманки, эркин ва мустақил фикрлайдиган ёш авлодимиз ҳам мамлакатимиз босиб ўтган бу ўчмас йўлдан зарур хулоса ва сабоқлар чиқариб, мағрурланиб яшайди.

Ортимизда қолган ана шу қийинчилик ва муаммоларни юртимиздаги ҳар қайси оила, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқ аҳли ўз бошидан ўтказди. Лекин, кўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтадиган бўлсак, бундай қийинчилик ва ташвишлар, авваламбор, заҳмат-

---

каш аёлларимизнинг елкасига тушди. Ва уларнинг сабр-бардоши ва чидамлилиги, донолиги ва шукроналик фазилатлари, эртанги кунга ишончи юртимизнинг ана шундай синовларни енгиб ўтишида мустаҳкам замин ва асос бўлди, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугунги кунда, иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, ҳаётимиз обод ва фаровон бўлиб бораётган, барқарор тараққиёт суръатларимизни дунё ҳамжамияти тан олаётган бир пайтда мана шундай ёруғ кунларга етиб келишимизга унутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган, далада ва корхоналарда, таълим ва шифо масканларида, бошқа кўплаб соҳа ва тармоқларда ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, оила ҳаётини тебратиб, ёш авлодимизни баркамол этиб тарбиялаётган сиз қадрдон опсингилларимизга тасаннолар айтиб, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни истардим — ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслакдошларим деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан.

---

Муҳтарама опа-сингиллар!

Барчангизни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо толеингиз баланд, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



---

## НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда она юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига гўзал баҳор нафаси билан бирга барчамиз орзиқиб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда.

Табиат очилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиб бораётган мана шу лаҳзаларда сиз, қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳамиша шоду хуррамлик билан кутиб оладиган қутлуғ байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.

---

Шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзод қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир.

Бу бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтирсин!» деб қарши олиш азалий одатимизга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқатни айтган бўлман.

Ана шундай холисона, пок ниятлар билан заҳматкаш деҳқонларимиз офтоб нуридан тобора қизиб бораётган ерга уруғ қадаб, бепоён далаларимиздан мўл ҳосил ундириш мақсадида янги меҳнат мавсумини бошламоқда.

Бугун мана шу мунаввар дамларда ҳаммамизнинг тилагимиз: фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг, барча меҳнатчиларимизнинг бахтини, омадини берсин, ишлари бароридан келсин.

Наврўз шукуҳи, кўклам шаббодаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр

---

ва эътибор билдиришга эҳтиёж сезади, сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ, ҳақиқатан ҳам миллий таомларимизни улар билан бирга баҳам кўришга интилади.

Маҳалла-кўй, эл-юрт билан аҳил бўлиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларнинг дуосини олиш сингари азал-азалдан халқимизга мансуб бундай олижаноб фазилатларимиз айни шу кунларда ўзининг яққол тасдигини топишини кузатиш мумкин.

Шуни айтиш керак — кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намоишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳеч шубҳасиз, доимо ҳайратда қолиши муқаррар.

Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларни нечача асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб келаётган халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар қато-

---

ридан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўяётганимизни халқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги куч-қувват багишлайди, албатта.

Аввало, халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнати, ўз кучимиз ва салоҳиятимизни оқилона ишлатиш ҳисобидан эришаётган юксак натижа ва марраларимиз ҳақида гапирганда, эътиборингизни икки масалага алоҳида жалб этишни зарур, деб билардим.

Биринчидан, бугун мана шундай хавфли-таҳликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳали-бери давом этаётган пайтда эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустақкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз ва сезгир бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этади.

Иккинчидан, биз ҳаётимизда эришаётган ютуқ ва марраларни халқаро ҳамжамият билан ҳамнафас бўлиб, узоқ ва яқин, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш тутишимизнинг самараси сифатида кўрамиз ва бундай ҳамкорликни янада кучайтириш тарафдоримиз.

---

Наврўз руҳи барчамизни айни шундай орзу-  
ниятлар ва интилиш билан яшашга даъват эта-  
ди.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай шоди-  
ёна кунда шу юксак минбардан туриб, бугунги  
тантанамизда биз билан бирга иштирок этаётган  
чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқ-  
аро ташкилотларнинг вакилларига, бизга хайри-  
хоҳ бўлган барча дўсту биродарларимизга мин-  
натдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам би-  
лан самимий қутлашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги унутилмас, улуғ айёмда нуроний ота-  
хон ва онахонларимизни, мунис опа-сингилла-  
римизни, навқирон ёшларимизни — ҳаётимизда  
тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ме-  
нинг фарзандларимни яна бир бор чин қалбим-  
дан табриклайман.

Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризқу  
насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинч-  
лик-омонлик, меҳр-оқибат, бахту саодат ёр  
бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИНИНГ МУМТОЗ НАМУНАСИ

Бугунги куннинг ўткир ва долзарб муаммолари биздан замонавий тараққиётнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бирга, инсониятнинг яқин-олис тарихидаги бой тажрибасини ҳам теран идрок этишни, шу асосда амалий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда, яъни тарих тажрибаси одамзод учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ҳам ана шундай буюк тажрибалар манбаидир. Бу тарихнинг энг ёрқин ва шонли саҳифаларини ташкил этадиган улуғ аждодларимиз ҳақида сўз борганда, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ўлмас номини биринчилар қатори тилга олишимиз табиий, албатта. Мана, қарийб етти асрдирки, бу улуғ зотнинг шону шуҳрати, ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш жаҳоннинг турли мамлакатларида тобора ортиб бормоқда.

---

Шуни таъкидлаш жоизки, улуғ аждодимизнинг ўзи яшаган замонга, шу даврда Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган, жуда катта тарихий аҳамиятга молик ўзгаришларга олиб келган воқеа-ҳодисаларга ҳал қилувчи таъсири, унинг бу жараёнлардаги роли наинки тарихчи ва сиёсатчилар, ҳарбий илм мутахассислари, балки бадиий ижод аҳлининг ҳам диққат-эътиборини ҳали-ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда.

Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улгайгани, қай тариқа шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, зафарли юришлари ҳақида, унинг нафақат давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айна вақтда инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида Шарқ давлатлари билан бирга олис Европада — Буюк Британия, Франция, Испания, Германия каби мамлакатларда ҳам бундан неча юз йиллар аввал кўп-кўп илмий ва бадиий асарлар яратилгани яхши маълум.

Чунончи, Амир Темур бобомиз ҳақида инглиз драматурги Кристофер Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис композитори Георг Гендель 1724 йили опера, америкалик адиб Эдгар По эса 1827 йили шеърӣй поэма яратган. Ва бундай асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда. Франциялик таниқли олим Люсьен Керен томонидан 2006 йили халқаро

---

миқёсда кенг нишонланган Соҳибқироннинг 670 йиллик таваллуд тўйи арафасида Парижда француз тилида нашр қилинган «Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат» номли фундаментал тадқиқот бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Табиийки, бу асарларнинг барчаси улуғ бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан боглиқ кўпгина масалаларга жавоб топишда, уларни тарих ва бугунги замон нуқтаи назаридан ёритишда муҳим ўрин тутди. Уларнинг ҳар бири Соҳибқирон сиймоси ҳақида ўзига хос тасаввур ва тушунча беради.

Минг афсуски, мустамлакачилик йилларида, яъни миллий қадриятларимиз, азиз-авлиёларимиз ва алломаларимизнинг бой мероси, табаррук номларини халқимиз хотираси ва юрагидан бутунлай ўчиришга қаратилган сиёсат ҳукм сурган даврларда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто унинг номи тилга олиш ҳам мутлақо тақиқлаб қўйилган эди. Бу мавзуда яратилган баъзи бир илмий-бадий асарларда Амир Темур сиймоси тарихий ҳақиқатга зид равишда бирёқлама, асосан қора бўёқларда акс эттирилган эди. Таассуфлар бўлсинки, собиқ тузум даврида яратилган тарихий ва бадий адабиётларда ҳамда уларнинг таъсирида чоп этилаётган бугунги айрим китобларда ҳам мана шундай ғаразли ёндашув аломатларини ҳануз учратиш мумкин.



---

Оллоҳга шукрки, истиқдолга эришганимиздан кейин бу масалада ҳам тарихий адолат қарор топди. Муқаддас юртимиз заминида яшаб ўтган кўплаб улуг сиймолар қатори Амир Темур бобомизнинг номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат ҳолис ва ҳаққоний ёритилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ёзилмоқда. Зеро, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Бу ҳақда гапирганда, Амир Темурнинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари, ҳаётнинг маъно-мазмунни, инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган фикрлари, дину диёнат ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айнан мана шундай масалалар Соҳибқирон тафаккурининг маҳсули бўлган «Темур тузуклари» асарида ҳар то-

---

монлама аниқ, ишонарли ва таъсирчан тарзда ёритилган, десак, ҳақиқатни айтган бўламыз.

Шунинг учун ҳам ўзининг беқиёс азму шижоати, мардлик ва жасорати билан Мовароуннаҳр заминида мўғул зулмига барҳам бериб, халқимизни қарамлик исканжасидан халос этган, тарқоқ ва пароканда эл-улусни бирлаштириб, мустақил ва қудратли давлатга асос солган бу улуг сиймонинг мазкур китобда ифода этилган гоё ва қарашлари нафақат ўз даври, балки бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши бежиз эмас.

Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган «Тузуқлар»ни ўқисам, худдики ўзимга қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли, зукко китобхон яхши англайди, албатта.

Мен ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаёт ҳикматларининг қанчалик тўғри эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли

---

бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган фикрлар бугунги кунда ҳам нақадар долзарб экани барчамизга аён. Ёки у зотнинг: «Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур», деган кўрсатмаларида ҳозирги нотинч замон учун, XXI аср сиёсатдонлари учун ҳам ҳар жиҳатдан ибратли фикрлар борлигини таъкидлаш жоиз. Амир Темури бобомизнинг бундай чуқур маъноли сўзлари, айниқса, «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар» деган ҳикмати инсонни доимо ақл-идрок, илму маърифат асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир.

Улуг аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Амир Темуридек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб

---

етишда «Темур тузуклари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг мағзини чақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун, қолаверса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ишончим комилки, ёшларимиз бу китобни меҳр қўйиб, тушуниб, чуқур англаб ўқиса, уларнинг қалбида миллий ғурур туйғуси юксалади, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ ҳис этиб, ҳаётнинг ҳар қандай синов ва қийинчиликларини енгишга қодир инсонлар бўлиб вояга етади.

Шу маънода, «Темур тузуклари» китобининг мамлакатимизда она тилимизда янгитдан юксак сифат билан чоп этилиши, ҳеч шубҳасиз, маданий ҳаётимиздаги ўзига хос муҳим воқеадир. Қадимий ва бой, шавкатли тарихимиз, бетакрор меросимиз, азалий қадриятларимиз билан қизиқадиган барча китобхонларни ана шу қувончли воқеа билан чин дилдан қутлаб, бу ноёб асар уларнинг ҳаётида доимий маънавий ҳамроҳ бўлиб қолишини тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

**«ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА  
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ  
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Авваламбор, сизларни — нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, олимлар, таҳлилчи ва экспертларни чин қалбимдан қутлаб, «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги илмий-амалий конференциядаги иштирокингиз учун самимий миннатдорлик туйғусини билдиришга руҳсат этгайсиз.

Ўзбекистонда мазкур Концепциянинг қабул қилиниши биз бу йил йигирма йиллигини нишонлайдиган давлатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларимизнинг мантиқий ва қонуний давомидир.

---

Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки кунларидан ўзи учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, мамлакатимиз иқтисодиётни мафкурадан холи этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб четдан тикиштирилган «шок терапияси» усулларини, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурларни рад этиб, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун», деган машҳур принципларга амал қилган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

---

Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши давлат ва конституциявий қурилишни поғонама-поғона, қадам-бақадам тубдан ўзгартириш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур демократик ислоҳотларни олиб бориш имконини берди.

Бу модель, ўзининг мазмун-моҳияти билан, бутун тараққиётимиз давомидаги оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, ҳар томонлама ҳаётийлигини намоён этди. Аввало, собиқ СССР тарқалиб кетганидан сўнг илгари шаклланган иқтисодий алоқаларнинг бутунлай издан чиқишининг оқибатларига барҳам бериш, иқтисодиётнинг ҳалокатли тарзда орқага кетиши, ишсизликнинг авж олишига йўл қўймаслик, қисқа муддатларда мустақил ҳокимият институтларини тузиш зарурати, ўша пайтдаги мураккаб вазиятнинг ўзи айнан шу моделни танлашни тақозо этди.

Биз турли жозибали даъватларга учмадик ва тадрижий, босқичма-босқич тараққиёт йўлини маъқул топиб, ҳар хил инқилобий моделлардан онгли равишда воз кечдик ва шу тариқа халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бутун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Мустақил тараққиётимизнинг ана шу йигирма йиллик даври давомида амалга оширган иш-

---

ларимизни таҳлил қилар эканмиз, биз танлаган модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси, унинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти изчил ошиб бориши учун мустақкам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айнаи вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди.

Улкан қийинчиликларга, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида биз энгиб ўтишга тўғри келган муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган 20 йил мобайнида қарийб 3,5 баробар ўсди, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошди.



---

Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ўсди. Ушбу даромадларнинг 47 фоизи биз учун мутлақо янги бўлган мулк шаклларида ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлардир.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфлаган харажатлари, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 5 мартадан кўпроқ ошди, ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу даврда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайди.

Шу билан бирга, яхши тушунамизки, мустақиллик йилларида амалга оширган барча ишларимиз биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли юксак мақсадга — ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган олис ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми, шу борадаги дастлабки қадамлар, холос.

---

Биз яшаётган глобаллашув асрида, биринчи навбатда, эришган натижалари билан кифояланмасдан, бугунги дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозонишини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Мантиқнинг ўзи, тараққиётимиз қонуниятлари, биз эришган марралар, биз ўз олдимизга қўяётган мақсад жамиятимизнинг изчил ривожланишига, мамлакатимизнинг нуфузига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин бўлган ҳаволанишга, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, демократик ислоҳотларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Фақат кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, амалда ўзини тўла оқлаган моделга мувофиқ равишда давом эттириш давлат ва жамиятнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Бизнинг Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантириш концепциясини қабул қилишимиз айнан шу талаб билан боғлиқ бўлиб, бу Концепция, ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг принципиал жиҳатдан янги босқичида мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни янада изчил давом эттириш дастури ҳисобланади.

**Бу борада биз амалий асосга эга бўлган ва ҳаётнинг ўзи исботлаб берган бир ҳақиқатга суяниб-таяниб иш олиб бормоқдамиз. Яъни, сиёсий тизимни изчил демократлаштирмасдан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлиги ва сайлов тизими ривожини таъминламасдан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантирмасдан, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан туриб, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Ва бунда тадрижий тараққиётни, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда узвийлик ва изчилликни таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.**

Баъзан учраб турадигандек, олиб борилаётган ислоҳотларнинг охирига етмасдан, юзаки ва палапартиш тус олиб, демократик жараёнларнинг қандайдир сохта кўринишига айланиб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Демократия — бу,

---

қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бизнинг йўлимиздир.

Шуни тушуниб олиш керакки, Концепция жамиятда рўй бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришларга доир барча масалаларни қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам унда асосий устувор йўналишлар белгилаб берилган, улардан, бизнинг назаримизда, ислохотларнинг қуйидаги йўналишлари принципиал аҳамиятга эгадир.

**Бизнинг олдимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.** Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини изчил ва тизимли равишда амалга ошириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг, давлат ва жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган ислохотларни давом эттиришимиз зарур.

Концепцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган сиёсий партияларнинг Бош вазир номзоди бўйича таклиф кириштиш ҳуқуқини, Бош вазирга ишончсизлик вотуми институтини жорий этишни назарда тутадимиз.

---

ган ўзгартишлар киритилди. Парламентга мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳукумат раҳбари ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилган ва бошқа қатор принципиал янгиликларни киритиш кўзда тутилган. Шу тариқа ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларини янада чуқур ислоҳ қилиш, уларнинг мустақиллигини, мустақил иш юритиш қобилиятини кучайтириш, давлат ва сиёсий қурилиш тизимида парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш борасида қонунчилик асослари яратилмоқда. Конституциянинг мазкур янги қондаларини босқичма-босқич жорий этиш ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий, партиялараро рақобатни сезиларли даражада кучайтиришда сиёсий партияларнинг ролини тубдан ошириш учун шароит яратади.

**Суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш биз учун энг муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.**

Концепцияга биноан, суднинг мустақиллигини таъминлаш, қонунчиликка судга қадар бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлаш, «Хабеас корпус» институтини қўллаш

---

соҳаларини кенгайтиришга қаратилган тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича ишларни давом эттиришимиз даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари тизимида уларнинг фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлайдиган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратишимиз, айрим ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича бошқа қатор чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

**Бизнинг олдимизда ахборот соҳасини демократик ислоҳ этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги вазифалар турибди. Демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди.**

Концепцияга мувофиқ, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасига бозор механизмларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш ҳамда

---

олиб борилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалалари диққатимиз марказида бўлиб қолмоқда.**

Мамлакатимизда яратилган мустақил, моҳият эътиборига кўра ноёб бўлган сайлов тизими янада демократлаштириш, хусусан, сайлов жараёнларининг янада очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқотларини ўтказиш механизми, сайлов комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси олдимизда турибди. Бунда биз сайловлар — мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг демократик руҳини намоён этадиган энг муҳим масала, ҳуқуқий-демократик давлатнинг ажралмас белги-аломати, халқ хоҳиш-иродасининг, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканидан келиб чиқамиз.

**Фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш демократик ислоҳотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.**

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотла-

---

ри ва бошқа фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, ҳеч муболагасиз, мамлакатимизни демократлаштириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни, барқарорликни таъминлаш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Келгусида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларимизни амалга ошириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолининг бошқа зарур эҳтиёжлари билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишдаги ролини кучайтиришга



---

қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирларни амалга ошириш лозим.

**Бизнинг олдимизда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар турибди.**

Бугунги кунда биз чуқур таҳлиллар асосида 2011—2015 йилларга мўлжалланган, ўзаро боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни ишлаб чиқдик ва амалга оширишга киришдик. Бу дастурлар саноатни, инфратузилмаларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислох этиш ва унинг барқарорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда қулай ишчан муҳит ва уни баҳолашнинг замонавий халқаро мезонларини шакллантиришни кўзда тутди.

Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши узоқ истиқболда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги босқичда ички эҳтиёжнинг ўсишига муҳим аҳамият қаратиш лозим. Чунки бундай ёндашув жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг изчил ривожланишини барқарорлаштириш ва рағбатлантиришнинг омили сифатида муҳим аҳамият касб этади.

---

Мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича амалга ошираётган барча ишларимизнинг энг муҳим натижаси халқимиз, аввало, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг ислоҳот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганида намоён бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ушбу анжуман иши давомида унинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ишлаб чиқиладиган хулоса ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги бизнинг фаолиятимизда ўзининг амалий ифодасини топади, деб ишонаман.

Конференциянинг барча иштирокчиларига самарали иш олиб боришларини тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҰЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Ҳурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар!

Авваламбор, барча-барчангизни бугун гўзал ва бетакрор Сурхондарё заминида бошланаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этишдан хурсандман. Қадимий Термиз шаҳрига мутлақо янгича қиёфа ва чирой багишлаган, янгидан бунёд этилган спорт иншоотлари, жумладан, барчанинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган мана шу муҳташам майдонда тўпланган сиз, азизларни — мен учун қадрли бўлган баркамол ўғил-қизларимни кутлар эканман, ҳаммангизни гойибона бағримга босиб, сизларнинг қадди-қоматингиз, азму шижоатингизга, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимнинг чексиз меҳр-муҳаббатим, катта ишонч ва умидимни билдиришдан ҳақиқатан ҳам бахтиёрман.

Навбатдаги — бешинчи «Баркамол авлод» ўйинларининг юртимизнинг жанубий остонаси

---

бўлмиш Сурхон диёрида, Ватанимиз мустақил-лигининг шонли 20 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганининг ўзи чуқур рамзий маънога эга бўлиб, нафақат мамлакатимиз, балки ён-атроф-да жойлашган давлатлар аҳолисининг ҳам эътиборини тортаётганини, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Мамлакатимиз, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли беллашувларда голибликни қўлга киритган, бугун сизларнинг сафларингизда барчага ўрнак ва намуна бўлиб турган ўгил-қизларимиз эртанги кунда жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, энг юксак соврин ва нишонларнинг соҳиби бўлишига, халқимизнинг ғурур ва ифтихорига айланишига ишончимиз комил.

Шу борада биргина мисол — ёш спортчиларимизнинг ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалига сазовор бўлгани, футбол бўйича ўсмирлар миллий терма жамоамиз Мексикада бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Ёшлар спортини ривожлантириш, юксак даражага кўтариш мақсадида амалга оширган ишларимиз кўламини сўнгги йилларнинг ўзида барча вилоят ва туманларимизда 1200 дан зиёд бо-

---

лалар спорти иншооти, жумладан, 61 та сузиш ҳавзаси, 724 та мактаб спорт зали барпо этилгани, улар замонавий жиҳоз ва анжомлар, малакали устоз-мураббийлар билан таъминлангани мисолида кўриш, кузатиш қийин эмас, албатта.

Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг дастлабки босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 1 миллион 600 минг нафардан зиёд фарзандларимизнинг 740 минг нафари ёки қарийб 50 фоизи иштирок этгани ушбу мусобақаларнинг қамрови қандай кенг экани ва мана шу кураш майдонларида бўлажак беллашувларнинг нақадар қизгин бўлишидан дарак беради.

Бугунги ёшлик ва нафосат байрамини, юртимизда шакланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари деб ном олган уч босқичдан иборат ноёб тизимни биз минг-минглаб ёшларимиз учун спорт оламида энг юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдончаси сифатида қабул қиламиз. Бундай самарали тизим сиз, азиз болаларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, имон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар этиб вояга етказишда, қатъият ва мардлик руҳида тарбиялашда ёшларимизнинг чиниқиш ва маҳорат мактабига айланиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради.

---

Қадрли ўғил-қизларим!

Эл-юртимизга хос бағрикенглик, орият ва ғурур туйғусини улуғлаб яшайдиган Сурхон аҳли мардларни севади, майдонга бел боғлаб чиққан инсонларни ардоқлаб бошига кўтаради. Шундай оташин спорт мухлисларининг ишонч ва эътиборини қозониб, уларнинг олқишларига сазовор бўлишнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир иштирокчи учун катта шараф ва масъулиятдир.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда сизлар галаба иштиёқи билан курашга шайланиб турар экансиз, Термизий боболаримиздек улуғ зотларни вояга етказган, Алпомишдек мард ўғлонлар, Барчинойдек барно қизларни улғайтирган қандай муқаддас заминда майдонга тушаётганингизни, ўйлайманки, чуқур англаб, ҳис этиб турибсиз. Бу эса сизларнинг ҳар бирингизга баланд руҳ, жўшқин ғайрат ва ишонч бағишлайди, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» спорт ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Сурхон аҳлига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан кўҳна ва навқирон Термиз шаҳри тобора обод бўлиб, таъбир жоиз бўлса,

---

Ўзбекистонимизнинг олтин дарвозасига айланиб бормоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Азиз фарзандларим!

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида қандай оғир ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, бугун барқарор ўсиш суръатларига эришаётган, жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига кириш учун ишонч билан бардам қадам ташлаётган экан, бунинг энг муҳим шарти ва мезони битта: яъни дунёда яккаю ягона бўлган она Ватанимиз тараққиёти учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш, мана шу мусаффо осмонимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизни қатъият билан ҳимоя этиш, бу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туришдан иборатдир.

Айнан шу асосда буюк ва муқаддас юртимизнинг тупроғини кўзингизга тўтиё қилиб, унинг шону шуҳратини етти иқлимга тараннум этиш учун ўз ҳиссамни қўшаман, деб Ватанга чин фарзандлик севгиси ва садоқати билан яшасангиз, ишонаманки, ҳеч қачон кам бўлмайсиз.

Сизларни яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга бугун бошланаётган мусобақаларда бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## БУ БУЮК ВАТАНДА ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

*Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.*

Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун. Ана шу эзгу мақсад истиқлол йилларида ҳаётимизда мустақкам ўрин эгаллади, изчил ислохотларнинг, юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош йўналиши сифатида ҳамюртларимиз ҳаётида ўзининг мустақкам ифодасини топди. Зотан, бугун Ўзбекистон инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати улуғланадиган буюк мустақил давлатга айланди.

Хотира ва қадрлаш — халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидан. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларга, жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан



---

катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуроний моларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Бу жиҳатлар юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юртдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиромда янада яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»-ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармонга мувофиқ, барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

---

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун бутун халқимиз 9 май санасини — фашизм устидан қозонилган буюк галабанинг 66 йиллик байрамини кенг нишонламоқда. Бу қутлуг сана билан, авваламбор, сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам фахрийларимизни, барча-барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий табриклайман, — деди Ислом Каримов.

Маълумки, 1999 йилдан 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз.

Хотира, қадр деган тушунчалар азал-азалдан эл-юртимизнинг тафаккури, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келади. Ўзини, ўз эл-юртининг ўтмишини, тарихини эсламайдиган, билмайдиган, ўз хотирасида сақламасдан яшайдиган одам боласини, онгли инсонни тасаввур қилиб бўлмайди.

Хотира деганда, барчамиз қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғуни ту-

---

шунамиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу одатга айланиб қолган.

Тарихий хотира — бу, аввало, ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир, деди давлатимиз раҳбари. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни сингдириш демакдир.

Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари эл-юртимиз хотирасида умрбод сақланади. Кўпни кўрган, жафокаш халқимиз бу урушда не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва суянчи бўлмиш қанча-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлган, деди Ислом Каримов.

Агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жангу жадалларда қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган ғалабанинг қадр-қиммати

---

нечоғлиқ баланд экани, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани яққол аён бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса, талаб қилардим, деди Президентимиз.

Ишончим комил, бу мард ва жасур юртдошларимиз қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало, фашизм балосини юртимиз остонасига йўлатмаслик учун, ўзининг ота-онаси, суюкли ёри, азиз фарзандлари, ёру дўстларини, эл-юртини ҳимоялаш, асраш учун жангга кирган, жон фидо қилган.

Шунинг учун ҳам бу даҳшатли уруш етказган оғир жароҳат, битмас яра бўлиб, ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Юртимизда бирон-бир оила, бирон-бир хонадон йўқки, кимидир бу урушда қатнашмаган бўлсин, бу уруш уларнинг бошига кулфат келтирмаган бўлсин. Бу мудҳиш қирғин туфайли қанча аскарлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, қанча аёллар бева, минглаб болалар етим бўлиб қолган.

Табиийки, ҳар бир оила жанг майдонларида қурбон бўлганларни, бедарак кетганларни, ўз аждодининг хотирасини қанча йиллар ўтса ҳам армон билан эслайди.

Бугун пойтахтимизда, вилоят, шаҳар ва туман марказларида барпо этилган мана шундай гўзал

---

Хотира майдонларида урушда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Бир сўз билан айтганда, хотира туйғусининг асл маъноси бугунги тинч-осуда, эркин ҳаётга биз осонликча эришмаганимизни, бу ёруғ кунлар осмондан тушмагани, қандай оғир машаққат билан қўлга киритилганини доимо эслатишни ифода этади.

Бугунги айёмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир-биримизни, авваламбор, сафимизда тетик бўлиб юрган уруш қатнашчиларини қадрлаб, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 600 дан ортиқ уруш қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам фахрийларимизнинг ҳаётини мазмунли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун, авваламбор, раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак, деди Юртбошимиз.

Хотира ва қадрлаш маросимининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у барчамизни бугун-

---

ги нотинч ва таҳликали дунёда доимо сезгир, хушёр ва огоҳ бўлиб, тинч-осойишта ҳаётимизнинг, мусаффо осмонимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Шу маънода, дунёнинг айрим мамлакатларида бугун қандай низо ва қарама-қаршилиқлар пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз даркор. Мисол учун, мана, ён қўшнимиз — Афғонистонда 30 йилдан буён уруш давом этмоқда.

Биз бундай нотинчликлардан тегишли хулосалар чиқаришимиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимизнинг энг катта бойлиги — бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳақида гапирганда, бу йўлда бизнинг таянчимиз, суянчимиз бўлган ёшларни миллий гоямиз руҳида, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш — ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашганимда, куни кеча у ерда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларини телевидение орқали кузатганда кўпчилик қатори мен

---

ҳам кўзлари ёниб, ғайрат-шижоатга тўлиб турган навқирон ўғил-қизларимизга боқиб, катта гурур ва ифтихор туйғусини ҳис этдим, деди давлатимиз раҳбари.

Энг замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиш, ўз қадр-қимматини англаш, ҳеч кимдан кам бўлмасликка, маррани баланд қўйиб яшашга интилиш фарзандларимизнинг ички дунёсига тобора сингиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, барча уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклайман. Барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман, деди Ислом Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу куни анвойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, фарзандларининг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

\* \* \*

Президентимиз Ислом Каримов шу куни пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхо-

---

насининг янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва гояси асосида бунёд этилаётган ушбу бино архитектуравий муҳандислик ечимига кўра ноёб иншоотдир.

— Ушбу иншоот бугунги ва келажак авлодларга хизмат қиладиган даражада мустаҳкам ва муҳташам бўлмоғи зарур, — деди Юртбошимиз.



## **VI УМУМЖАҲОН СУВ ФОРУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҚУТЛОВ МУРОЖААТИ**

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик доирасидаги минтақавий конференция иштирокчиларини — нуфузли экспертлар, олимлар, халқаро ташкилотлар, экологик ҳаракатлар ва молия институтлари вакиллариини самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азал-азалдан бизнинг минтақамизда сув энг азиз неъмат, ҳаёт ва фаровонлик манбаи сифатида қадрланган, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Икки азим дарё — Амударё ва Сирдарё асрлар давомида Ўрта Осиёда истиқомат қиладиган аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини, суғориладиган деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган даражада сув билан таъминлаб келган. Айнан шу заминда кўп асрлар муқаддам сайёрамизда биринчилардан бўлиб ирригация ва сувдан самарали фойдаланиш тизими яратилган.

---

XXI аср бўсагасида Ўрта Осиё халқлари учун, сайёрамизнинг бошқа кўплаб минтақаларида бўлгани каби, сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласи муҳим ҳаётий аҳамият касб эта бошлади. Чунки ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан узоқни ўйламай фойдаланиш оқибатида минтақамиз экологик ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Бир авлод умри давомида ноёб ва гўзал денгиздан қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланган Орол фожиаси бунинг яққол далилидир. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган Оролбўйи ҳудуди эса бугунги кунда аянчли саҳрога айланмоқда.

Инсон ҳаёти, саломатлиги, миллат генофондига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар оқибатида нафақат бевосита экологик ҳалокат ҳудудида яшовчи аҳоли, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси доимий экологик таҳдид остида қолмоқда.

Сув ресурслари тақчиллиги, суғориладиган экин майдонларининг яроқсизланиши, ҳайвонот ва наботот дунёсининг кескин қисқариши, иқлим ўзгаришлари, шунингдек, минтақадаги асосий дарёлар сув оқимининг катта қисмини ташкил қиладиган Помир ва Тянь-Шань тоғларидаги музликлар эришининг тезлашуви — булар Орол фожиаси келтириб чиқарган огир оқибатларнинг бир қисми, холос.

---

Айнан шу сабабли минтақадаги трансчегаравий дарёлар бўйида жойлашган давлатларнинг ҳаётий эҳтиёжларини азал-азалдан таъминлаб келган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бугунги кунда алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги вақтда минтақанинг 6 давлатида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд кишининг тақдири сув ресурслари, биринчи галда, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон V Умумжаҳон сув форумининг ичимлик сувдан фойдаланиш имкони инсоннинг энг асосий ҳуқуқи экани, сув тақчиллиги энергетик ва молиявий инқироздан кўра хавфлироқ экани тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, сув ресурсларининг ялпи тақчиллигини, ҳалокатли техноген, экологик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини катта хавф остида қолдиради.

Суғориладиган деҳқончилик барқарорлиги ва вегетация даврида сув ресурсларининг етарли даражада бўлишига бевосита боғлиқ бўлган озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ўта

---

муҳим бўлиб турган ҳозирги шароитда бу масала, айниқса, долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу жиддий таҳдидларни инобатга олмаслик барқарор ривожланиш истиқболларини ҳамда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг бу ерда яшашини хавф остида қолдиради.

Бундан ташқари, янги улкан гидроиншоотлар қурилиши мўлжалланаётган жойлар бир неча маротаба 9 балли зилзилалар содир бўлгани исботланган ва тасдиқланган кучли сейсмик зонада жойлашган. Мазкур ҳудудда, илгари ҳам бир неча бор кузатилганидек, кучли ер силкиниши содир бўлса, тузатиб бўлмайдиган, юз минглаб одамларнинг ҳаётини хавф остида қолдирадиган техноген ҳалокат юз бериши мумкин.

Бугун инсоният олдида табиатни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, уни одамлар турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган, табиатдан фойдаланиш бўйича шаклланган тизимни бузиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилишдек муҳим вазифалар турибди.

Шу маънода, минтақамиз халқлари учун трансчегаравий дарёлардан умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва қоидалар асосида фойдаланишни кафолатлайдиган, ҳар бир томон учун тенглик, ўзаро манфаат ва адолатни таъминлай-

---

диган самарали минтақавий ҳамкорлик механизларини яратиш ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва глобал даражада гидрологик балансни сақлаш, сув ресурсларини асраш ва тежаш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш — булар ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ғоят муҳим масалалар бўлиб, биздан алоҳида эътибор ва ўзаро манфаатли муҳокамани талаб қилади.

Тошкент минтақавий конференцияси якунлари келгусида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури ижросини таъминлаш йўлидаги самарали ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам асос бўлади ва VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик кўришга салмоқли ҳисса қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Конференциянинг барча иштирокчилари ишига юксак самара ва муваффақиятлар, келгусидаги муҳим ва хайрли фаолиятига зафарлар тилайман.

Самимий эҳтиром билан,

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ  
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК  
ЙИЛЛАРИДАГИ (1990—2010 ЙИЛЛАР) АСОСИЙ  
ТЕНДЕНЦИЯ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАМДА  
2011—2015 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ПРОГНОЗЛАРИ» СТАТИСТИК ТЎПЛАМИГА  
ЁЗИЛГАН СЎЗБОШИ**

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиз бундан йигирма йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистоннинг ўтган давр мобайнида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш борасида эришган марра ва натижаларини ҳолисона баҳолаш зарурати мавжуд эканини англаймиз.

Мухтасар айтганда, мустақил тараққиётимизнинг энг биринчи кунларида иқтисодиётимиз қандай аҳволда бўлгани, ўтган тарихан қисқа давр — йигирма йил давомида иқтисодиётимиз ва ҳаётимиз даражаси қандай суръатлар билан ривожлангани, қандай юксак чўққиларни қўлга киритганимиз, энг муҳими, қандай истиқбол режаларини тузаётганимизга танқидий баҳо беришимиз лозим. Биз ўз олдимизга қўяётган мақсад

---

эса барчамизга яхши маълум — бу замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Эришган ютуқ ва марраларимизни холис ва муносиб баҳолаш учун, авваламбор мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида қандай мураккаб вазиятда бўлганини эсга олишимиз ва ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз зарур.

Марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизми асосида фаолият кўрсатган бутун совет тизимига хос бўлган иллатлар билан бир қаторда, республикамиз иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, фақат хом ашё етказиб беришга йўналтирилгани, иқтисодиёт, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатган тўла ва мутлақ пахта яккаҳоқимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Бунинг оқибатида, улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди.

СССР парчаланиб кетганидан кейин вужудга келган шароитда иқтисодиётнинг фожиали ра-

---

вишда инқирозга юз тутиши, инфляциянинг ўта кескин ўсишини жиловлаш, илгари қарор топган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқиб кетиши оқибатларига барҳам бериш, ишсизликнинг янада авж олишига йўл қўймаслик фавқулодда муҳим аҳамият касб этарди.

Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этишга азму қарор қилдик.

Ўтган даврда амалга оширган барча ишларимизни баҳолар эканмиз, бугунги Ўзбекистоннинг шаклланишидаги икки босқични алоҳида ажратиб кўрсатиш учун барча асосларимиз бор: 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган муддатни ўз ичига оладиган биринчи босқич — ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришлар даври.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, судхуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳалар-



---

ни изчил ислоҳ қилиш, аҳоли турмуш даражасини мунтазам ошириб боришни таъминлашда 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич — мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизация этиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг амалга оширилиши ана шу йилларнинг барчасини ўзаро боғлайдиган ҳал қилувчи асос, ўзак бўғин бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда қабул қилинган, «ўзбек модели» деб ном олган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби машҳур беш тамойилга асосланган ўзига хос йўли — буларнинг барчаси, айниқса 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози даврида ўзининг нечоғлиқ тўғри ва ҳаётий эканини исботлади.

---

Биз истиқлолимизнинг биринчи кунларида-ноқ четдан туриб тиқиштирилган «шок терапияси» усулларида, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасавурлардан воз кечдик, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» ва «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» каби машҳур тамойилларга амал қилиб тадрижий ёндашувни, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Ўзбекистонда қабул қилинган иқтисодий тараққиёт моделининг энг муҳим хусусияти четдан қарз олиш сиёсатининг чуқур ўйланганида, мамлакатимизни ташқи омилларга боғлаб қўйиши мумкин бўлган қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечишда намоён бўлди.

Шу билан бирга, давлатимиз мустақил тараққиётнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизга узоқ муддатли хорижий сармояларни жалб этиш учун амалда қиёси бўлмаган шартшароит ва кафолатлар яратишга алоҳида эътибор қаратди, тўлов қобилиятига эга бўлган ишончли шерик сифатида ўзини кўрсатди.

Мустақил тараққиётимизнинг ана шу йигирма йиллик даври давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, биз танлаган модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга

---

оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Ишончим комилки, мамлакатимизнинг ҳаёти ва қиёфасида юз бераётган, қуруқ статистик рақам ва кўрсаткичлар мисолида ҳам кузатиш, сезиш мумкин бўлган, одамнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган ўзгаришлар ҳеч бир ҳолис фикрлайдиган инсонни бефарқ қолдирмайди.

Ўтган давр мобайнида, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида энгиб ўтишимизга тўғри келган улкан қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти 20 йил давомида қарийб 3.4 баробар, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2.5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсганини, бу даврда мамлакатимиз аҳолиси 8 миллион 244 минг кишига кўпайиб, ҳозирги кунда 28.5 миллион нафарни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, чиндан ҳам тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисобкитоблар бўйича 8,6 марта ошди. Айни пайтда бу

---

кўрсаткичнинг 47 фоизи биз учун мутлақо янги бўлган мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлардир.

Таъкидлаш жоизки, кўрилатган чора-тадбирлар туфайли ўртача даромадга эга бўлган аҳолининг улуши ўсиб бормоқда. Экспертлар томонидан билдирилган хулосаларга кўра, ўртача даражадаги барқарор пул даромадларига эга бўлган уй хўжалиklarининг улуши 2010 йил якунлари бўйича 60 фоизни ташкил этган. Ҳолбуки, 1990 йилда бу кўрсаткич 18 фоиздан иборат эди.

Бошқача айтганда, мамлакатимиз аҳолиси даромадларида ўта кескин фарқ бўлишига йўл қўймаслик борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфлаган харажатлари, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 5 мартадан кўпроқ ошди, ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу даврда юртимизда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди. Оналар ўлими 3,1 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3,2 баробар камайди.

Таъкидлаш керакки, эришган ана шундай барча ютуқларимизнинг замирида аввало, мил-

---

лионлаб юртдошларимизнинг кундалик фидокорона меҳнати, ўз умрини ўтаб бўлган бошқарув ва хўжалик юритиш тизимидан воз кечилгани, мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган дастури мужассамдир.

Юртимизда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди, давлат бошқарувининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича принципиал жиҳатдан мутлақо янги тузилмаси шакллантирилди, жойларда ҳокимлик институтини жорий этиш орқали маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил этилди, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳалла институти ривожлантирилди ва мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда бозор инфратузилмаси институтлари яратилиб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизими шакллантирилди, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида чуқур иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди.

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади,

---

айни вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди.

Юртимизда ёқилги-энергетика ва галла мустақиллигига эришилди. Бой минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлашга асосланган замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, корхоналарни модернизация қилиш техник ва технологик янгилашнинг кенг кўлами дастурларини изчил амалга ошириш таъминланмоқда. Энергетика, нефть-газ-кимё, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби иқтисодиётимиз тараққиётининг локомотиви ҳисобланган, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларнинг кенг жалб этилиши, экспорт салоҳияти ва маҳсулот экспорти ҳажмининг оширилиши миллий иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни таъминлаш бора-

---

сидаги энг муҳим натижа бўлди, ташқи қарзларнинг мақбул даражаси сақланган ҳолда, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси ва олтин-валюта ресурсларининг барқарор ўсишига эришилди.

Жаҳон тажрибасида ўхшаши бўлмаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши давлатимиз томонидан жисмоний соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган доимий эътибор иқтисодиётимизнинг ўсиши ва янги-ланиши, демократик ўзгаришларни жорий этиш ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича ўзгаларнинг ҳавасини уйғотаётган суръатларга эришишда беқиёс аҳамиятга, том маънода «ижобий портлаш» эффектига эга бўлди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, замонавий талабларга жавоб берадиган, ўз таркибида республика ва вилоят тез тиббий ёрдам марказларини бирлаштирган тиббий муассасалар тармоги яратилди.

Барча вилоят марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббий марказлар тармоги фаолият юритмоқда.

---

Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда замонавий асосда жиҳозланган 3 минг 200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти барпо этилди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича замонавий тизим яратилди, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, ўтган даврда амалга оширилган барча ишларни санаб ўтишнинг имкони йўқ, бироқ бу ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизнинг энг муҳим хусусиятини ўз кучимиз билан барпо этган кўплаб ноёб иншоотлар мисолида яққол кўриш мумкин. Яъни, мустақиллик йилларида барпо этилган стратегик саноат объектлари — Шўртангаз-кимё мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Асака ва Самарқанд автомобиль заводлари, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари, юзлаб янги корхоналар ва муҳандислик-коммуникация инфра-тузилма объектлари, мамлакатимизнинг ягона транспорт тизимини яратадиган, трансмиллий транспорт йўналишлари ва жаҳон бозорига чиқишни таъминлайдиган замонавий автомобиль йўллари, 694 километрдан зиёд узунликдаги Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус ва 223 километрлик Тошғузор — Бойсун — Қумқўр-



---

гон темир йўл тармоқлари, «Навоий аэропорти» ва «Ангрен» халқаро логистика марказлари — буларнинг барчаси амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг иқтисодий этиш, барқарор мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, инқирозга қарши чораларни амалга ошириш борасида эришган ютуқлари Халқаро валюта жамгармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, дунёдаги бошқа қатор етакчи молиявий ташкилотлар томонидан эътироф этилди.

Мамлакатимизнинг ўтган 20 йиллик мустақил тараққиёти давомида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб этиб, муносиб баҳолар эканмиз, шу билан бирга, эришилган бу марралар халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш ва мамлакатимизни равнақ топтириш йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамиз.

Биз шу давр мобайнида эришган барча ютуқларимизга маҳлиё бўлиб, ҳаволаниш туйғуси ва хотиржамлик кайфиятига берилишга асло йўл қўймаслигимиз лозим.

Шуни доимо ёдда тутишимиз керакки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди ва эриш-

---

ган натижалари билан кифояланмасдан, дунёда кечаётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талаblари ва жаҳон бозорида кучайиб бораётган рақобат курашига мос ҳолда қадам ташлайдиган давлатгина биринчи навбатда муваффақият қозона олади.

Айнан шундай ёндашув ва тамойиллар Ўзбекистонни ўрта ва узоқ истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган режа ва дастурларимиз, устувор йўналишларимиз асосида мужассам бўлмоғи даркор.

Бунда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг давомийлигини ва янада изчил чуқурлашиб боришини таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг бугунги кундаги энг муҳим устувор йўналишларимиз чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жадал ва мутаносиб ривожланишни таъминлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, инвестициявий ишчанлик муҳитини шакллантириш ва чуқурлаштириш, юксак технологиялар асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чи-

---

қаришни ўзлаштириш, экспорт соҳасидаги мав-  
кеимизни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ҳозирги босқичда ички эҳтиёжнинг ўсиши-  
га муҳим аҳамият қаратиш лозим. Чунки бун-  
дай ёндашув жаҳон молиявий-иқтисодий ин-  
қирози шароитида иқтисодиётнинг изчил ри-  
вожланишини барқарорлаштириш ва рағбат-  
лантиришнинг омили сифатида муҳим аҳамият  
касб этади.

Ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш тармоғи-  
ни ривожлантириш, инфратузилма, транспорт-  
коммуникация йўналишидаги лойиҳаларни амал-  
га ошириш ва янги уй-жой объектларини айниқса  
қишлоқ жойларда барпо этиш, иш ҳақи ва аҳоли  
даромадларининг изчил ошиб боришини таъмин-  
лаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида  
бўлиб қолиши керак.

Юртимиздаги мавжуд имконият ва ресурслар,  
ўтган йиллар давомида яратилган мустаҳкам са-  
лоҳият ўз келажағимизга катта ишонч билан  
қараш учун бизга барча зарур асосларни беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳа  
ва тармоқларини ривожлантиришнинг 2011—2015  
йилларга мўлжаллаб қабул қилинган микроиқ-  
тисодий кўрсаткичлар ва ҳисоб-китоб параметр-  
лари прогнозлари 2015 йилда ялпи ички маҳсу-  
лот ҳажмини 2010 йилга нисбатан 145—150 фоиз  
атрофида оширишни назарда тутди, ўртача йил-

---

лик ўсиш суръатлари эса камида 8 фоизни ташкил этиши керак.

Яқин беш йилда жалб этиладиган капитал қўйилмалар ҳажми 2,3 марта, шу жумладан, хорижий инвестициялар миқдори тахминан 2 марта ўсиши кўзда тутилмоқда. Бу маблағлар иқтисодиётимизда жиддий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, етакчи саноат тармоқларини модернизация қилиш, аввало энергетика, нефтьгаз соҳаси, машинасозлик, кимё ва рангли металлургия, енгил саноат, шунингдек, транспорт-коммуникация соҳаси, мамлакатимизда жаҳон бозорида талаб юқори бўлган мутлақо янги рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Юртимизда аҳолининг умумий даромадларини 2015 йилда 2010 йилга нисбатан камида 2,6 марта ошириш кўзда тутилмоқда, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори ҳам сезиларли равишда ортади. Қисқача айтганда, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражаси анча юксалади.

Бугун, босиб ўтган йўлимизга назар ташлаб, шу йиллар давомида амалга оширган ишларимиз, шунингдек, истиқбол режаларимизни баҳолар эканмиз, миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимиз-

---

ни мустаҳкамлашнинг энг оғир ва машаққатли синовларидан муносиб тарзда ўтган, аввало ўз кучи, имконияти ва салоҳиятига таяниб, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаш йўлида ишонч билан қатъий илгарилаб бораётган буюк ва муқаддас Ватанимиз, мард ва олижаноб халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## **МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА**

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини — бугунги кунда тобора ўткир ва таъсирчан кучга эга бўлиб бораётган, огир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб эгаси бўлган, ўзини ахборот соҳасини ривожлантиришдек олижаноб ишга багишлаган сиз азизларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман.

Албатта, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган Ватанимиз мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 20 йиллик буюк санаси арафасида ўтаётган бу байрамнинг алоҳида маъно-мазмуни борлигини, ўйлайманки, нафақат соҳа ходимлари, балки уларнинг ижоди ва меҳнати маҳсулидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб юртдошларимиз, бутун халқимиз яхши англайди.

---

Айни шундай дамларда эл-юртимиз ҳаётида тарихан қисқа бир даврда рўй берган ўзгаришлар — ўз куч ва салоҳиятимизга таяниб, миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга эришиш йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимиз ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Айни шу кунларда оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо берар эканмиз, улардан тўғри хулоса чиқариш, замоннинг ўзи талаб қилаётган муҳим масалаларни кун тартибига қўйиш ва уларни ҳал қилиш барчамиз учун энг долзарб вазифа бўлиб тургани хусусида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги қутлуғ айёмда ўлкамизда мустақил миллий матбуот пайдо бўлган даврдан бошлаб, бу ишнинг тамал тошини қўйган, доимо халқ билан, унинг дарду ташвишлари, эзгу орзу-умид ва интилишлари билан яшаган маърифатпарвар боболаримиз, бу йўлда ўзини фидо қилган инсонларнинг, муҳтарам фахрийларимизнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

---

Юртимизда амалда ўзини оқламаган эски мафкура ҳукмронлик қилган даврларни эслар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, ўша замонда ҳам ахборот соҳасининг жонкуяр намояндалари, қандай оғир бўлмасин, воқеликни тўғри ёритиш, халқимиз бошидан кечирган машаққатли кунларни юрагидан, қалбидан ўтказиш, яқин тарихимиздаги машъум йилларда миллатимизнинг қадр-қимматини, шаънини ҳимоя қилиш, турли туҳмат ва бўҳтонлардан асраш, энг муҳими, миллий қадриятларимиз, ўзлигимизни сақлашда ўзини аямасдан, виждонан хизмат қилганини, мардлик ва маънавий жасорат кўрсатганини бугун катта миннатдорлик билан тилга олишимиз ўринлидир.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан оқ миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтириш йўлида матбуотимиз катта ҳисса қўшаётганини, бунинг аҳамияти ва моҳиятини алоҳида таъкидлаш ва эътироф этиш зарур, деб биламан.

Шу борада одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйғуси ошиб бораётган бир пайтда бу жараёнларда айнан матбуот соҳа-



---

сининг ўрни ва таъсирини юксак баҳолашимиз албатта адолатдан бўлади, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар!

Бугун биз XXI асрда — глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшар эканмиз ва ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини қўйган эканмиз, давр талаблари билан ҳамоҳанг ва ҳамқадам бўлиб ҳаёт кечиришимиз зарурлигини ўзимиз учун яна бир бор аниқ-равшан тасаввур этиб олишимиз шарт.

Олдимизда турган муҳим вазифа ва мақсадлар ҳақида гапирганда, авваламбор, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни янада кучайтириш ва уларни янги, юқори босқичга кўтариш ҳаётий заруратга айланиб бораётганини барчамиз чуқур англаб олмоқдамиз.

Шу борада ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

---

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган, халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва бундай ишлар изчил давом эттириляётгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Айни пайтда бу йўналишда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар, амалий ҳаёtimизда тўсиқ бўлиб, ўзининг ечимини кутаётган масалалар ҳали-бери кўплигини, ўйлайманки, ҳаммамиз, авваламбор, матбуот жамоатчилиги жуда яхши англаб, сезиб турибди.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, телерадио-эшиттиришлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид янги қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни тезлаштириш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, уларнинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қара-

---

тилган бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам ўзининг амалий ижросини кутиб турибди.

Бу қонунларнинг қабул қилинишидан ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдор бўладиган сиз, журналистлар бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазаларингиз, амалий таклифларингиз билан фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Яна бир масала тўғрисида тўхталишни жоиз, деб биламан. Бу ўринда гап давлат томонидан оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш ҳақида бормоқда. Авваламбор, бу тузилмаларга янги йилдан бошлаб солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар бериш режалаштирилмоқда.

Ана шундай имтиёзлар, албатта, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини қогозда эмас, амалда таъминлаш учун молиявий шароит туғдириб бериши, ушбу соҳада меҳнат қилаётган ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Биз бу борада тараққий топган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ушбу масаланинг

---

ижросини қатъий назоратга олишимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа борки, у ҳам бўлса, матбуот соҳасида ҳали-бери учраб турадиган ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, мансабда ўтирган кишиларга итоатгўйлик, кимгадир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир.

Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шулар қаторида халқаро майдонда информация соҳасида эришилган ютуқларни пухта ўзлаштириш, журналистларимизнинг ўз хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш тизимини янгича асосда йўлга қўйиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Барчамизга аёнки, бундай вазифаларни бажаришда замонавий медиа техника ва технологияларни, Интернет тизимида қўлланадиган тилларни пухта эгаллаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

---

Айниқса, мустақил, янгича фикрлайдиган, истеъдодли ёшларга оммавий ахборот воситалари соҳасида кенг йўл очиб беришга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Бундай ахборот воситаларига, асосан, ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараши ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Айтиш керакки, ёшлар билан тенг бўлиб, самимий ва самарали мулоқот қилиш учун мана шундай ахборот-коммуникация технологияларини барча журналистлар, биринчи навбатда, ёш журналистларимиз ҳар томонлама чуқур ва атрофлича эгаллаши кераклигини кимгадир тушунтириб беришга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Албатта, Интернет орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан тезкор алоқа ўрнатиш, зудлик билан зарур ахборот ва маълумотларни олиш,

---

билим ва маърифатни оширишда унинг беқиёс ўрни ва аҳамияти борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Биз одамларимизнинг Интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Такрор бўлса-да, айтмоқчиман — ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас.

Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инobatта оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган гаразли кучлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч

---

қачон иккинчи даражали вазифа, деб билмаслигимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Журналист аҳлининг меҳнати, одамларга, жамоатчиликка таъсири ҳақида шахсан мен доим юксак фикрдаман. Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ва самарасини ошириш, аввало, сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳамиша масъулият туйғуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яхши билади ва сиздан айнан шуни кутади.

Ўз касбининг ҳақиқий устаси ва фидойиси бўлган, ўзининг ҳаққоний сўзи билан одамларни эзгу мақсадларга сафарбар эта оладиган, эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугунги ва эртанги куни учун ёниб яшайдиган сиз, жонкуяр журналистларни мен ўзимнинг суянчим ва таянчим, деб билишимни бугун яна бир бор айтмоқчиман.

Сизларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриқлар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, куч-ғайрат, янги-янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Шу кунларда ғалла тайёрлаш мавсумига якун ясаб, юксак хирмон бунёд этган заҳматкаш ва фидойи деҳқонларимизнинг мардона меҳнати учун самимий миннатдорлик билдириш, уларни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният етказди.

Бу йилги ўта огир мавсум шароитида бундай улкан галабага эришиш, яъни 6 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла хирмони яратиш, жумладан, сугориладиган майдонлардан 6 миллион 700 минг тонна ҳосил олиш нақадар машаққатли меҳнат эвазига бўлганини барчамиз яхши тушунамиз ва бунинг учун азамат деҳқонларимизга ҳар қанча таҳсин-тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, об-ҳаво ғоят нокулай келган, кучли сув танқислигининг салбий таъсири барча ҳудуд ва минтақаларимизда яққол сезилиб турган жорий йилда мамлакатимиз қишлоқ хўжа-



---

лик ходимлари ҳар қачонгидан ҳам мураккаб қийинчиликларга дуч келганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, кузда ва кўкламда ёгингарчиликнинг етарли даражада бўлмагани туфайли ғалла ниҳолларини бир текис ундириб олиш қанчалик қийин бўлганини эсга олайлик. Афсуски, бундай вазият кўп жойларда лалми майдонларга экилган ғалланинг нобуд бўлишига олиб келди. Сув танқислиги, ўз навбатида, суғориладиган майдонларда ҳам жиддий муаммоларни тугдирди. Тупроқда намлик даражасининг етишмаслиги, ҳаво ҳароратининг меъёридан ошиб кетиши, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва турли касалликларнинг салбий таъсирини бартараф этиш деҳқонларимиздан катта матонат ва маҳоратни талаб қилди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фақат ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш, агротехник тадбирларни пухта ўтказиш, барча куч ва имкониятларни ҳосилни сақлаб қолишга сафарбар қилиш, ҳар томчи сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш деҳқонларимизга бундай оғир синовдан ёруғ юз билан чиқиш имконини берди.

Бир сўз билан айтганда, ернинг сирини чуқур билиш, тупроқ билан тиллашиб яшаш каби бизнинг деҳқонларимизга мансуб бўлган азалий тажриба ва омилкорлик фазилатлари жорий йил-

---

да мана шундай мўл ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратди. Бу йилги галабани таъминлашда далада ишлаётган меҳнатчиларимизнинг онгу тафаккури тубдан ўзгариб, уларнинг ўз ери, ўз мулкига нисбатан эгалик ҳисси кучайиб, ўз меҳнатидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлиб бо-раётгани ҳал қилувчи омил бўлди, деб айтишга тўлиқ асосимиз бор.

Албатта, белгиланган шартнома режасини адо этишда бутун қишлоқ хўжалиги соҳаси қатори галлачиликни зарур моддий-техник ресурслар билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани деҳқонларимиз учун катта куч ва мадад бағишлади.

Бу йилги мавсумда Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик ўртача 53—64 центнерни ташкил этгани, Олтинкўл, Пахтаобод, Ромитан, Пешку, Тошлоқ, Кува, Иштихон, Пастдарғом, Оққўрғон, Денов, Сариосиё, Дўстлик, Хатирчи, Китоб, Учқўрғон, Боёвут туманларида бу кўрсаткич ўртача 60 центнердан юқори бўлгани миришкор ўзбек деҳқонининг қандай улуғвор ишларга қодир эканидан яққол далолат беради.

---

Сариосиё туманидаги «Ҳайитали Боймуҳаммедов» фермер хўжалиги гектаридан 88 центнер, Гиждувон туманидаги «Маржона Файз» фермер хўжалиги 80 центнер, Балиқчи туманидаги «Обиджон ота» фермер хўжалиги 76 центнер, Зангиота туманидаги «Шухрат Зиё» фермер хўжалиги 76 центнер, Учкўприк туманидаги «Ҳакимбой» фермер хўжалиги 75 центнер, Хатирчи туманидаги «Баҳриддин ота» фермер хўжалиги 74 центнердан ошириб ҳосил олгани фермерлик ҳаракатининг нақадар беқиёс имкониятларга эга эканини амалда кўрсатиб турибди.

Ҳурматли дўстлар!

Қўлга киритилган бугунги улкан ғалаба ҳақида гапирганда, албатта, ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эга бўлиш, ғалла мустақиллигига эришиш йўлида қўйган тарихий қадамларимизни эсга олишимиз табиийдир.

Ўтган йиллар давомида ва бу йил юртимизда ғаллачилик соҳасида эришган ютуқларимизнинг нақадар катта аҳамият ва қадр-қимматга эга эканини ўзимизга тасаввур қилар эканмиз, мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларни беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Агар 1991 йилда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган бўлса, ушбу рақамларни бу йилги хирмон билан солиштирадиган бўлсак,

---

тайёрланган дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 карра ошгани мисолида бизнинг бу соҳада қандай улкан, тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтганимиз яққол намоён бўлади.

Бугун ана шундай рақамлар ҳақида сўз юри тар эканмиз, яна бир ўта муҳим ва ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ҳолатни алоҳида таъкидламасдан бўлмайди.

Бундан 20 йил аввал, яъни совет тузуми даврида республикамызда тайёрланган галланинг барчаси давлат олдидаги мажбуриятни қоплаш учун топширилар, машаққатли меҳнати билан ҳосил етиштирган деҳқоннинг ўзи эса, донсиз, унсиз қолиб кетар эди. Унинг устига, халқимизни боқиш учун ҳар йили 3,5—4 миллион тонна галлани четдан олиб келишга мажбур бўлган ҳолни эсласак, бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланаётган умумий ҳосилимизнинг фақатгина 37 фоизи давлат олдидаги шартномани бажариш учун топширилаётгани кўп нарсани англа тади. Тайёрланган доннинг аксарият қисми, яъни 55 фоиздан ортиги фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилаётгани деҳқонларимизнинг омборини ғаллага, рўзгорини қут-баракага тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Мана шу биргина мисолнинг ўзиёқ Ватанимиз истиқлолининг 20 йиллик қутлуғ тўйига тай-

---

ёргарлик кўрилаётган шу кунларда мустақиллик эл-юртимизга унинг манфаатини таъминлашда қандай беқиёс имкониятлар яратиб берганининг яққол, ҳеч қандай тарғибот-ташвиқот талаб қилмайдиган исботи эмасми?

Айни вақтда галлачиликни ривожлантириш ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат sanoати, чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқлар жадал тараққий топиб, ички бозоримизни ун ва нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум билан таъминлаш масаласида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижаларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш, сезиш қийин эмас.

Шу борада амалга оширган изчил саъй-ҳаракатларимиз туфайли биз эндиликда дон бўйича нафақат ўз эҳтиёжларимизни тўла қондиришга, керак бўлса, галлани четга экспорт қиладиган давлатлар қаторидан жой олишга муяссар бўлганимиз, албатта, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Бугунги қувончли айёмда сиз, миришкор галлакорларимиз, илғор механизатор ва комбайнчиларимизни, мутахассис ва мутасаддилар, бу улкан зафарга муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларни яна бир бор қизгин табриклар, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман. Ўзининг олижаноб, фидокорона

---

меҳнати билан Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилаётган юртдошларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака аримасин!

Ҳамиша бахтингиз, омадингизни берсин, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## МУНДАРИЖА

- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА  
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ  
ТАБРИК СЎЗИ. 2010 йил 31 август ..... 3
- БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ МИНГЙИЛЛИК  
РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА  
БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЯЛПИ  
МАЖЛИСИДАГИ НУТҚ. *Нью-Йорк шаҳри,*  
2010 йил 20 сентябрь ..... 10
- ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛА-  
РИГА. 2010 йил 30 сентябрь ..... 21
- ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА  
МЕҲНАТКАШЛАРИГА. 2010 йил 16 октябрь ..... 28
- МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК  
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАН-  
ТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ. *Ўзбекистон*  
*Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик*  
*палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги*  
*маъруза.* 2010 йил 12 ноябрь ..... 35
- «ЎРТА ОСИЁНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛО-  
ГИК МУАММОЛАРИ: УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА  
ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ҚўЛЛАШ» МАВЗУИДАГИ ҲАЛҚАРО  
КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА.  
2010 йил 17 ноябрь ..... 108

<p><b>МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР. <i>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.</i></b></p> <p><i>2010 йил 7 декабрь</i> .....</p>	111
<p><b>КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (ОДКБ) КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНING МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. <i>Москва шаҳри,</i></b></p> <p><i>2010 йил 10 декабрь</i> .....</p>	148
<p><b>ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ. <i>2010 йил 17 декабрь</i></b> .....</p>	154
<p><b>ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ.</b></p> <p><i>2010 йил 31 декабрь</i> .....</p>	173
<p><b>ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ.</b></p> <p><i>2011 йил 14 январь</i> .....</p>	179
<p><b>БАРЧА РЕЖА ВА ДАСТУРЛАРИМИЗ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. <i>2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидagi маъруза, 2011 йил 21 январь</i></b> .....</p>	193



БОЛАЛАР СПОРТИ — ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ КЕЛАЖАГИ, УНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР. <i>Балалар спортини ривожлан- тириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги нутқ. 2011 йил 25 февраль</i> .....	248
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. <i>2011 йил 4 март</i> .....	262
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. <i>2011 йил 5 март</i> .....	269
НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ. <i>2011 йил 21 март</i> .....	277
МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИНИНГ МУМТОЗ НАМУНАСИ («Темур тузуклари»нинг <i>янги нашрига сўз боши</i> ) .....	282
«ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. <i>2011 йил 23 апрель</i> .....	289
«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. <i>2011 йил 29 апрель</i> .....	303
БУ БУЮК ВАТАНДА ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА – МУҚАДДАС. <i>2011 йил 9 май</i> .....	308

---

VI УМУМЖАҲОН СУВ ФОРУМИГА ТАЙЁРГАР- ЛИК БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҚУТЛОВ МУРОЖААТИ. <i>2011 йил 13 май</i> .....	317
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИ- НИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ (1990—2010 ЙИЛЛАР) АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАМДА 2011—2015 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ПРОГНОЗЛАРИ» СТАТИСТИК ТЎПЛАМИГА ЁЗИЛГАН СЎЗБОШИ .....	322
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА. <i>2011 йил 27 июнь</i> .....	338
ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА. <i>2011 йил 22 июль</i> .....	348

*Ислам Абдуганиевич Каримов*

**ДАЛЬНЕЙШЕЕ УГЛУБЛЕНИЕ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ  
РЕФОРМ И ФОРМИРОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО  
ОБЩЕСТВА – ОСНОВНОЙ КРИТЕРИЙ РАЗВИТИЯ  
НАШЕЙ СТРАНЫ**

Том 19

*На узбекском языке*

Нашр учун масъул *Б. Худоерова*

Бадний муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*

Техник муҳаррирлар: *У. Ким, Т. Харитоновна*

*Мусаҳҳиҳ Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашр лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 29.12.2011. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>,

«Таймс» гарнитурала офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 18,90.

Нашр т. 12.84. Тиражи 3000 (2-завад). Буюртма № 11-257

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Каримов, Ислом Абдуганиевич.**

**К 25** Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш  
ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мам-  
лакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир/  
И.А. Каримов.— Т.: O'zbekiston, 2011. Т. 19.—360 б.

ISBN 978-9943-01-745-0

УДК: 321.7(575.1)+342.34(575.1)

ББК 66.3(5Ў)+66.3(5Ў)12